БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 52 (1059)
13 МАРТ
ПАЙШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 30 ТИЙИН

Колхозларга машиналарни сотиш колхозларнинг маданий техника базасини мустаҳкамлайди, колхозларнинг ижтимоий мулкини ривожлантиришга, уларнинг бўлинмас фондларини ўстиришга ёрдам беради, бу бўлинмас фондлар колхоз тузуми кучи ва мустаҳкамлигининг асосий манбаларидан биридир.

(СССР Олий Совети сессиясида ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган доклад тезисларидан).

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг, Бутуниттифоқ пахтакорлар кенгашининг якунлари ва Узбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ С. К. КАМОЛОВнинг Ўзбекистон КП Марказий Комитети Пленумида 1958 йил 11 мартда қилган доклади

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети кейинги йилларда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини яна ҳам мисли кўрилмаган даражада ривожлантиришга қаратилган бир қанча катта тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширди.

Совет халқи ўз жонажон Коммунистик партияси раҳбарлиги остида КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, социалистик экономика, маданиятнинг барча тармоқларини ривожлантиришда ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада юксалтириш соҳасида янгидан катта муваффақиятларга эришди.

Партия XX съездидан кейин ўтган икки йил мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 22 процент, оғир саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса қарийб 24 процент кўпайди. Шу давр ичида миллий даромад 18 процент, ишловчи ҳар бир кишига ҳисобланганда ишчи ва хизматчиларнинг реал даромади эса 10 процент кўпайди. Саноатнинг ўсганлиги билан бир қаторда социалистик қишлоқ хўжалиги ҳам муваффақиятли ривожланди.

Қишлоқ хўжалигини кескин юксалтириш юзасидан партиямиз Марказий Комитети белгилаган ва КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ҳамда шундан кейинги Пленумлари қарорларида баён қилинган тадбирларнинг амалга оширилиши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш имконини берди ва колхоз тузумини ривожлантиришда янги босқичнинг бошланиши бўлди.

МТС, совхоз ва колхозларнинг жуда кўп миқдорда замонавий қишлоқ хўжалик техникаси билан қуроллантирилганлиги, улар кадрлар билан мустаҳкамланганлиги, ўн миллионлаб гектар қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилганлиги ҳамда бошқа тадбирлар хўжалигини дон етиштиришни кейинги тўрт йил мобайнида бундан аввалги тўрт йилдагидан 27 процент кўпайтириш имкониятини берди.

Шу давр ичида картошканинг ялпи ҳосили 14 процент, сабзавотнинг ялпи ҳосили 39 процент, қанд лавлагининг ялпи ҳосили 37 процент, зиғир толасининг ялпи ҳосили 91 процент, пахтанинг ялпи ҳосили 13 процент ошди.

Чорва моллар туёғи шу вақттача кўрилмаган миқдорда кўпайди ва унинг маҳсулдорлиги ошди. 1954 йил 1 январда мамлакатда 55,8 миллион бош қора мол бўлган бўлса, 1958 йил 1 январда қора моллар 66,7 миллион бошга етди. Шу давр ичида сигирлар 31,4 миллион бошга етди ёки 6 миллион бошдан зиёдроқ кўпайди. 1954 йил 1 январда 99,8 миллион бош қўй бўлган бўлса, ҳозирги вақтда қўйлар 120 миллион бошга етди. Шу давр ичида чўчқалар 11 миллион бош кўпайиб, ҳозирги вақтда 44,3 миллион бошга етди.

Кейинги тўрт йил мобайнида гўшт етиштириш 38 процент, шу жумладан, колхоз ва совхозларда 80 процент кўпайди. Ўмуман мамлакатда сут етиштириш 50 процент, колхоз ва совхозларда эса икки баравардан зиёдроқ ошди.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг колхозларда сигирлардан соғиб олинадиган сутни ҳамда сут тайёрлашни кўпайтириш юзасидан белгилаган топшириғи 6 йил ўрнига 3 йилда бажарилганлиги билан қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари фахрланадилар.

Ана шу йиллар мобайнида республикамиз қишлоқ хўжалиги ҳам узлуксиз ривожланди. Экин майдонлари кенгайтирилди, пахта ҳосилдорлиги ошди ва ялпи ҳосили кўпайди. Чорва моллар туёғи анча ўсли ва маҳсулдорлиги анча кўпайди. Колхозларнинг даромади кўпайиб, уларнинг бўлинмас фондлари анча ўсли. Ўзбекистондаги машина-трактор станциялари, колхоз ва совхозлар шу давр ичида кўп миқдорда трактор, автомобиль, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа кўпгина техника олдилар.

I. Социалистик қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш сари

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий қарори қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида жуда муҳим янги босқич бўлди.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети навбатдаги сессиясида қиладиган доклади тезислари халқ хўжалиги ва назарий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир.

Партия ишлаб чиққан тадбирлар социалистик қишлоқ хўжалигини ва социалистик Ватанимизнинг бутун экономикасини янгидан мислсиз ривожлантириш учун кенг истиқбол очиб беради.

Партия белгилаган тадбирларнинг амалга оширилиши Ленининг кооператив плани асосида амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришдан кейин колхоз ишлаб чиқаришини узлуксиз юксалтириш, Совет давлатининг куч-қудратини мустаҳкамлаш ва совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш йўлида қўйилган янги муҳим ва катта қадам бўлади.

Шунинг учун ҳам бутун совет мамлакати каби республикамиз меҳнаткашлари ҳам бу тарихий ҳужжатларни зўр қониқиш ва яқдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Колхоз тузумини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда МТСларнинг нечоғлик катта аҳамиятга эга бўлганлиги маълум. МТСлар шундай зўр сиёсий ва ташкилий куч бўлдиларки, улар теварагида деҳқонлар колхозларга бирлашиб, йирик механизациялаштирилган қишлоқ хўжалигининг афзалликларига қаноат ҳосил қилдилар.

МТСлар партия ва давлат қўлида шундай куч бўлиб хизмат қилдиларки, улар ёрдами билан колхоз тузумининг ғалабаси таъминланди ва бу тузум муваффақиятли ривожлантирилди, мехнатни ташкил этишнинг, механизатор кадрлар тайёрлаш ва қишлоқ хўжалигини механизациялашнинг янги формалари қарор топди.

Давлат МТСлар орқали ёш колхоз тузумининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бу эса қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқасини янада маҳкамлаш, социализм учун курашда ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш имконини берди.

МТСлар кейинги вақтларда қишлоқ хўжалигининг бир қанча тармоқларидаги қолоқликни битиришда зўр ташкилотчи куч бўлиб хизмат қилди.

Эндиликда, кейинги йилларда қишлоқда катта ўзгаришлар юз берган, колхозлар иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб кўп тармоқли йирик хўжалик бўлиб қолган, уларда жуда кўплаб тажрибали ташкилотчи ва мутахассис кадрлар мавжуд бўлган бир шароитда, бир жойда икки хўжайиннинг бўлиши эгасизлик ва масъулиятсизлик вужудга келтирмоқда, техникадан самарасиз фойдаланилишига сабаб бўлмоқда, қишлоқ хўжалик ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишга халақит бермоқда, колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга тов бўлмоқда.

Ҳозирги мавжуд вазиятда қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи куч бўлган механизаторлар ишларни самарали бажаришга, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга етарли даражада манфаатдор эмаслар.

Шундай қилиб, машина-трактор станциялари томонидан колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишнинг эски формалари колхоз ишлаб чиқаришининг янги вазифаларига энди мос келмай қолди ва ҳаёт талабларидан орқада қолмоқда.

Шунинг учун ҳам колхозларга МТСлар орқали ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишдан колхозларга техникани сотишга кўчиш масаласи етилиб қолди. Ҳаётнинг ўзи олга сурган ва етилган бу масала қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада кескин юксалтириш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини камайтириш вазифаларини амалга оширишда энг муҳим тадбир ҳисобланади.

«Колхозларга тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сотиш ва МТСларни қайта ташкил қилиш,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорида,— саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги бевосита иқтисодий алоқаларни кучайтиради, ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди, колхозларнинг экономикасини юксалтиради, умумхалқники бўлган ва колхозларга абадий бириктириб қўйилган ерлардан яхшироқ фойдаланишга ёрдам беради».

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми тарихий қарорларини амалга оширишда Ўзбекистон партия ташкилоти олдида катта ва масъулиятли вазифа турибди.

Колхозларга техникани сотиш — аввало миллион-миллион колхозчилар билан давлат манфаатларига дахлдор бўлган катта сиёсий вазифадир. Бу муҳим давлат ишига юзаки қараш ярамайди.

«...Модомики машина-трактор станциялари тез орада қайта ташкил этилар экан,— дейилади ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида,— бу тадбир ўз-ўзидан кутилган натижаларни бераверади деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишнинг янги системаси заминида ётган устунликлардан тўлиқ фойдаланмоқ учун партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари зўр бериб ишлашлари, колхозчи деҳқонлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишчилари ижодий куч-ғайрат кўрсатишлари керак бўлади».

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорини тезроқ амалга ошириш ва шу асосда пахтачиликни, чорвачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа барча тармоқларини янада кучли суратда юксалтиришни таъминламоқ учун биз қандай амалий имкониятларга эгамиз?

Ўзбекистон МТСларида аммортизацияни ҳисобга олганда умумий қиймати 1.100 миллион сўмлик тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа техника бор. Колхозларнинг талабларини назарда тутиб, ҳисоблаб кўрганимизда, колхозлар сотиб оладиган тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг умумий қиймати тахминан 800 миллион сўмлик бўлиб чиқди.

Бизнинг колхозларимиз қандай имконият эга эканликларини кўрсатиш учун мен бир қанча рақамлар келтираман. Республика колхозларининг бўлинмас фонди 1940 йилдаги 2 миллиард сўм ўрнига 1958 йил 1 январда 8,4 миллиард сўм ёки тўрт баравардан зиёдроқ кўп бўлди. Кейинги йилларда бизнинг колхозларимиз бўлинмас фондга ҳар йили пул даромадидан тахминан 1,5 миллиард сўмдан маблағ ажратиб келдилар. 1958 йил 1 январда бўлинмас фонд счётларидаги маблағларнинг қолдиғи 1.300 миллион сўмдан ошиқроқ бўлди. Ўртоқлар, лекин бу республика бўйича олинган ўртача маълумотлардир.

Бизда бўлинмас фонд счётларида 3 миллион сўмдан ортиқ маблағи қолган 130 колхоз, 2-3 миллион сўм маблағи қолган 120 колхоз, 1-2 миллион сўм маблағи қолган 250 колхоз бор. Қолган колхозлар 1 миллион сўмдан камроқ маблағга эгадирлар. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, тахминан 200-250 колхоз ҳозирдаёқ МТСлан техникани олиб, унинг қимматини батамом тўлашга қодирдир. Қолган колхозларга ҳам техникани тошириш ва уларга техниканинг қимматини 2-3 йил ичида ва 5 йилгача тўлаш учун имконият бериш мумкин.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори ҳамда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети навбатдаги сессиясида қиладиган доклади тезислари эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорини амалга ошириш юзасидан бирмунча ишлар қилди. Кўпгина колхозлар бу масаланинг СССР Олий Совети сессиясида муҳокама қилинишини кутиб ўтирмасдан ва техника, ер, ишчи кучи ҳамда бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг бир қўлда тўпланиши жуда катта афзалликларга эга ва фойдали эканлигини билиб, ҳозирдаёқ ўзларига зарур техникани МТСдан қабул қилиб олдилар, механизатор кадрларни танлаб чиқдилар ҳамда дала ишларини муваффақиятли олиб бормоқдалар.

Ҳозирдаёқ техникани Тошкент областида 22 колхоз, Фарғона областида 20 колхоз, Самарқанд областида 32 колхоз, Наманган областида 5 колхоз, Бухоро областида 35 колхоз, Андижон областида 15 колхоз, Сурхондарё областида 20 колхоз, Хоразм областида 12 колхоз, Қорақалпоғистон АССРда 4 колхоз қабул қилиб олди.

Ўртоқлар! Бу фактлар КПСС Марказий Комитети Президиуми колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш юзасидан белгилаган тадбирлар тўғри ва ўз вақтида белгиланган тадбирлар эканлигини яна бир марта исботламоқда. Бу тадбирлар шундан далолат бермоқдаки, бизлар Ўзбекистонда КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорини кечга суриб ўтирмай, 2-3 йил ичида амалга ошириш учун барча имкониятларга эгамиз.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорини ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети навбатдаги сессиясида қиладиган доклади тезисларини колхозчилар, МТС, саноат корхоналари ишчиларининг йиғилишларида, муассасалар ва ташкилотларда, матбуотда ва радио орқали кенг тушунтириш—бизнинг энг биринчи галдаги вазифамиздир.

Ана шу тарихий ҳужжатларни кенг тушунтириш асосида ҳамда ҳар бир район, МТС ва колхознинг конкрет аҳволини ҳисобга олиб, биз ҳозир техникани сотиб олмоқчи бўлган колхозларга уни сотишимиз керак.

Ўртоқлар! Техникани колхозларга сотиш ва машина-трактор станцияларини ремонт-техника станцияларига айлантириб қайта ташкил этиш муносабати билан Қишлоқ хўжалик министрлиги, унинг маҳаллий органлари олдида, ремонт-техника станциялари олдида, республикадаги барча партия ва совет ташкилотлари олдида янги жуда муҳим вазифалар туғилади. Колхозлар сотиб олган тракторлардан ва бошқа машиналардан тўғри ҳамда унумлироқ фойдаланишни таъминлаш энг асосий вазифадир. Бунинг учун механизатор кадрларни танлашда биз колхоз правлениеларига ва бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бермоғимиз керак. Биз «Шарқ юлдузи», «Қизил Ўзбекистон», «Ленинград», Дзержинский номли колхозлар каби йирик колхозларда ва бошқа хўжаликларда энди инженерлар ишлаши керак деб ҳисоблаймиз. Қолган колхозларга эса дастлабки кезларда биз МТСларда ишлаётган кишилар орасидан техник-механиклар танлаб олишга ёрдам беришимиз керак бўлади. Ана шу колхозларга тракторчилар ва бошқа ходимлар танлашда ёрдам кўрсатиш лозим. Биз шунингдек техникани сақлаш учун сарой-бостирмалар қуришда, устахоналар қуришда, уларни жиҳозлашда колхозларга кўмак бермоғимиз керак, токи колхозлар техникани дуруст сақлаш ва унга ўз вақтида қараб туриш имкониятига эга бўлсинлар.

Техникани колхозларга сотиш жамоат ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш ва колхозларнинг бўлинмас фондини кўпайтириш имконини беради. Шу билан бирга колхозлар даромадини тўғри тақсимлаш ва бўлинмас фондга ажратиладиган пул маблағларини кўпайтириш талаб қилинади.

Шу муносабат билан кейинги вақтларда бир қанча колхозлар бўлинмас фондга ажратиладиган пуллари камайтириб юборибмиз, нотўғри, хато иш қилаётганликларини ва бу хатони биз дарҳол тузатишимиз кераклигини айтиб ўтмоқчиман. Эндиликда колхозлар бўлинмас фондга пул маблағларини шундай миқдорларда ажратмоқлари керакки, бунинг натижасида улар ишлаб чиқариш ва маданий-маиший қурилишни, суғоришни ривожлантириш, техника сотиб олиш ва ундан фойдаланиш эҳтиёжларини ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, колхоз тузумини мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини оширишга қаратилган бошқа тадбирлар учун талаб қилинган эҳтиёжни тўла қоплайдиган бўлсин.

Бинобарин, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ишлаб чиқариш-молия планларини ҳамда кирим-чиқим сметаларини қайта қараб чиқиб, уларни ҳозирги кун талабига мос ҳолга келтиришда колхозларга ёрдам бермоқлари керак.

Машина-трактор станциялари ремонт-техника станцияларига айлантириб қайта ташкил этилиши муносабати билан уларнинг зиммасига янги катта вазифалар тушади. Улар қуйидаги ишларнинг бажарилишини таъминламоқлари керак:

1. Колхозларнинг трактор паркини ва автомобилларини ремонт қилиб бериш ҳамда уларга техника хизмати кўрсатиш.

2. Колхозларга улар сотиб олиши номақбул бўлган айрим машиналарни ижарага бериб туриш.

3. Ер қазиш-текислаш каби махсус ишларни бажариб бериш.

4. Колхозларни машиналар, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи, мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, заҳарловчи химикатлар ва бошқа материаллар билан таъминлаш.

5. Техникалан энг яхши фойдаланишни ва машиналарга хизмат кўрсатишни ташкил этишда колхозларга ҳар тарафлама ёрдам бериш.

6. Тракторларнинг ва бошқа барча машиналарнинг техника ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш.

7. Ўз устахонаси бўлмаган колхозларга техникани ремонт қилишда ёрдам кўрсатиш.

Ремонт-техника станциялари хўжалик ҳисобида иш кўрадиган корхона бўлмоқлари керак. Ремонт-техника станциялари ўз фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ ишлаб чиқариш-молия ишларини йўлга солиб олишлари ҳамда безарар ишлашни таъминлашлари учун уларга ёрдам кўрсатиш зарур.

Янгича ишлаш шароитида партия ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишлаги роли анча ошади. Техникани колхозларга бериш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш учун қулай имконият вужудга келтиради. Лекин бу имкониятлардан фойдаланмоқ учун омма орасида кун сайин ташкилотчилик ишлари олиб бориш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини яхшироқ ташкил этиш юзасидан конкрет чоралар кўриш керак бўлади.

Янги шароитда правление раиси билан бригада бошлиғининг роли анча ошади. Шунинг учун колхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш бундан буён ҳам партия ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси бўлиб қолади.

Область ва район партия комитетлари механизаторларга нисбатан эътиборни сира ҳам бўшаштирмасликлари керак. МТСда тарбия топган механизатор кадрларни сақлаб қолиш ва механизаторларнинг моддий таъминоти кўнгилдагидек бўлиши учун барча чораларни кўриш керак.

Меҳнат кунига ҳали кам ҳақ тўланаётган колхозларда механизаторларга, истисно тарикасида, гарантиланган минимум бўйича ҳақ тўлашни тавсия этмоқ керак, токи уларнинг олган ҳаки МТСда тракторчилар олган минимумдан кам бўлмасин.

Колхоз правлениелари, партия ташкилотлари ҳозир колхозларга ўтаётган тракторчиларга ва бошқа ходимларга сезгирлик ва ғамхўрлик билан қарашлари, уларга барча зарур шароитни яратиб беришлари керак.

Ҳозирги вақтда МТСлардан колхозларга 50 мингдан кўпроқ механизатор, шу жумладан, 5 мингдан кўпроқ коммунист ўтади, бунинг натижасида колхозларнинг партия ташкилотлари мустаҳкамланади. Бу ҳол колхоз партия ташкилотларининг раҳбарлигига яхши кишиларни тўғри танлаш ва уларнинг ишига кун сайин ёрдам кўрсатиш юзасидан бизларнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Компартияси мураккаб хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этишда ўз кобилияти ва етуклигини бир неча марта кўрсатган. Ҳеч шубҳа йўқки, республика партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми томонидан илгари сурилган вазифаларни ҳам муваффақиятли ҳал эта олади.

II. Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши ва Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш вазифалари

Ўртоқлар! 1958 йил 18 февралдан 20 февралгача Москвада пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгаш Совет Иттифоқи халқлари бузилмас дўстлигининг, улар Коммунистик партия атрофига жипслашганлигининг ёрқин намойиши, ленинча миллий сиёсат улуғвор тантанасининг далили бўлди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Арманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг Катта Кремль Саройида тўпланган вакиллари иш якунларини муҳокама қилдилар, тажрибаларини ўртоқлашдилар ҳамда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада кучли юксалтириш йўлларини белгилаб олдилар.

Докладчилар ва пахтакор республикаларнинг илғор кишилари пахта мўл ҳосили учун курашда қўлга киритилган муваффақиятлари, пахтакорларнинг сиёсий онги ва меҳнат соҳасидаги ғайрат-ташаббуси жуда юксалаётганлиги тўғрисида, улар пахтачиликни янада юксалтириш учун кучларини аямасликка тайёр турганликлари ҳақида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчилари пахтачиликни ривожлантириш ҳақида тинмай эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётганлиги учун жонажон Коммунистик партияга қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар. Пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгашининг Кремлда чақирилиши ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг янги ёрқин далили бўлди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кундалик ғамхўрлиги ҳамда улуғ рус халқининг қардошларча беғараз ёрдами туфайли пахтакор районлар чор Россиясининг ўтмишдаги қолоқ чекка ўлкаларидан социалистик саноати ва қишлоқ хўжалиги, илғор фани ва маданияти юксак даражада ривожланган республикаларга айландилар, социализмнинг Шарқдаги порлоқ машъали бўлиб қолдилар.

Қардош республикаларнинг бирлиги ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам эканлигини, КПСС XX съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга оширишга, мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат умумий ишга ўз муносиб ҳиссаларини қўшишни ҳар бир республика меҳнаткашлари ўзлари учун жуда катта шараф деб билаётганликларини пахтакорлар шоду-хурром бўлиб айтдилар.

Ўртоқлар! Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье республикалари пахтакорларининг 1954 йилда Тошкентда бўлиб ўтган кенгаши турғунлик ва консерватизмга қарши курашда, пахтачиликка янгиликни жорий этишда нақадар зўр аҳамиятга эга бўлганлиги маълум.

КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ Ҳукуматининг кун сайин эътибор бераётганлиги ва жуда катта ёрдам кўрсатганлиги туфайли чигит экиш ва ғўзани парвариш қилишдаги янги усулларни жорий этиш юзасидан Ўзбекистон партия ва совет ташкилотлари кейинги уч йил ичида катта иш қилдилар. Барча колхоз ва совхозлар тор қаторлаб чигит экишга тўла кўчди, талайгина майдондаги ғўза квадрат-уялаб жойлаштирилиб, механизмлар билан икки томонлама парвариш қилинмоқда.

Буларнинг ҳаммаси кейинги икки йил мобайнида пахта ҳосилдорлигини ошириш ва ялпи ҳосилини кўпайтириш имконини берди.

Пахтакорларнинг Кремлда бўлиб ўтган кенгаши пахта етиштириш ва унинг ҳосилини териб олишни тезроқ комплекс механизациялаш, қўл меҳнати сарфлашни кескин камайтириш ва ғўзани парвариш қилиш қуроли сифатида кетмондан воз кечиш, маҳсулот единицаси етиштиришга модлий ва пул маблағларини сарфлашни кескин камайтирган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида янги боскич бўлди.

Ўзбекистон вакиллари ва бошқа қардош республикалар вакилларининг кенгашда сўзлаган нутқларида, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқида кейинги йилларда пахтакор республикалар эришган катта муваффақиятлар кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга кенгашда инимизлаги мавжуд катта камчиликлар ва фойдаланилмаётган кўп резервлар очиб ташланди.

Кенгаш қатнашчиларининг асосий эътибори кам ҳосил олаётган қолоқ колхоз ва совхозларни тажрибали, қобилиятли кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳисобига илғорлар даражасига кўтаришга, барча колхоз ва совхозларда ҳосилдорликни ошириш ҳамда экин майдонларини кенгайтиришга, пахтачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган барча ишларни тезроқ кенг механизациялаштиришга, пахта териш машиналаридан фойдаланишни яхшилашга, пахтачилик учун қўл меҳнати сарфлашни максимал камайтириш талабларига мос келадиган янги машиналар яратишга, фанни ривожлантиришга ва жумладан, селекция-уруғчилик ишларини кучайтиришга, айрим бошқа масалаларга қаратилди.

Пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Жанубий Қозоғистон колхозчилари, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари, қишлоқ хўжалик фани ходимлари номидан мажбуриятларни муҳокама қилдилар ва яқдиллик билан қабул қилдилар.

Капиталистик мамлакатлар билан тинч мусобақа қилиш шароитида пахта етиштиришни яқин 12-15 йил ичида камида икки баравар кўпайтиришни, мамлакатда пахтанинг ялпи ҳосилини 9-10 миллион тоннага етказишни пахтакорлар бу мажбуриятда ўзларининг асосий вазифалари қилиб қўйдилар. Пахта етиштиришнинг бундай кўпайтирилиши мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, зарур миқдорда давлат резервига эга бўлиш ва пахтани экспорт қилишни кўпайтириш имконини беради. Бу катта вазифани бажармоқ учун пахтанинг мамлакатдаги ялпи ҳосили 1958 йилда 4.657 минг тоннага ва 1965 йилда 6.295 минг тоннага етказилмоғи керак.

Барча колхоз ва совхозларда пахта ҳосилдорлигини ошириш пахта етиштиришни бу қадар кўпайтиришнинг асосий резервидир.

Олдимизда шундай вазифа турибдики, 1958 йилдаёқ гектар бошига 20 центнердан кам ҳосил олаётган биронта колхоз ва совхоз бўлмаслигига эришмоғимиз керак. Шу билан бирга пахта майдонини талайгина миқдорда кўпайтирмоқ зарур.

Пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари ўз мажбуриятларида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш, барча турдаги чорва моллар, айниқса сигирлар туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш вазифаларини белгиладилар ҳамда олинган мажбуриятларни муваффақиятли амалга ошириш йўлларини кўрсатиб бердилар.

Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифаси—қишлоқдаги барча меҳнаткашларни, бутун ўзбек халқини пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини энг кам меҳнат ва моддий чиқим сарфлаб, янада кўп-роқ етиштириш учун курашга, пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида олинган юксак мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун курашга отлантиришдан иборат.

Мамлакатимизда пахта етиштиришни бундан буён янада кўпайтириш юзасидан қўйилган вазифани муваффакиятли ҳал этишда Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси сифатида муҳим роль ўйнайди. Бу ҳол пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун республика партия ташкилоти зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари ана шу кенгашга тайёргарлик кўрар эканлар, мавжуд имкониятларни ва резервларни муҳокама қилиб, 1958 йилда Ватанга камида 3 миллион тонна ва 1965 йилда 4 миллион тонна пахта бериш, шу жумладан, областлар бўйича қуйидаги миқдорларда пахта бериш ҳақида Ўзбекистондаги барча пахтакорлар номидан мажбурият олишни кенгаш делегатларига тошириган эдилар:

(Минг тонна ҳисобида)

	1958 йил	1965 йил
Тошкент	475	610
Фарғона	400	495
Наманган	310	365
Андижон	450	500
Самарқанд	345	385
Бухоро	275	315
Қашқадарё	130	175
Сурхондарё	250	315
Хоразм	230	275
Қорақалпоғистон АССР	200	300

Бундан ташқари Тошкент ва Самарқанд областларида Мирзачўлдаги янги суғорилаётган ерларда 1965 йилда 280 минг тонна пахта етиштириш ҳақида мажбурият олиш кенгаш делегатларига топширилган эди.

Пахта ҳамиша ўзбек халқининг миллий ғурури, ўзбек халқи экономикаси ва маданиятининг негизи бўлиб келди. Эндиликда пахтанинг аҳамияти тағин ҳам кўпроқ ортмоқда.

Олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун кураш кун сайин республикадаги бутун партия ташкилотининг диққат марказида турмоғи керак.

Ўртоқлар! 1958 йилда мамлакатга 3 миллион тонна пахта бериш—бизнинг биринчи галдаги ва зарур вазифамиздир.

Шу миқдорда пахта етиштириш учун биз бир неча йилдан буён курашиб келаётганлигимизни эсда тутиш керак. Лекин ишимизда бир қанча камчиликлар борлиги сабабли биз бунга эрища олмадик. Биз 1958 йилда ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, 3 миллион тонна пахта олишга эришмоғимиз керак. Бунинг учун ташкилотчилик ишини кучайтирмоғимиз ҳамда барча мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўла фойдаланмоғимиз зарур.

Кам ҳосил олаётган колхозлар, совхозлар, бригада ва звеноларни кўтариш бу вазифани ҳал этишда катта резерв бўлади.

1957 йилда 611 колхоз 476 минг гектар ердан гектар бошига 20 центнердан кам, 233 колхоз 10-15 центнер, 69 колхоз эса 10 центнердан ҳам кам пахта берди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўртоқ С. К. КАМОЛОВ докладининг давоми

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Совхозларда пахта ҳосили ўрта ҳисобда гектар бошига фақат 15,6 центнер бўлди, 43 совхоз эса 112 минг гектар майдондан гектар бошига 15 центнердан ҳам кам ҳосил берди. Илғор колхоз ва совхозларимизда ҳам паст ҳосил олиб келаётган бригада ва звенолар оз эмас.

Башарти биз 1958 йилда 20 центнердан кам пахта олган биронта колхоз ва совхоз бўлмаслигига эришсак (шундай қилишга мажбурмиз), у ҳолда фақат шу ҳисобга республика қўшимча равишда камида 300 минг тонна пахта олади ва қабул қилинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди.

Очиқ айтиш керакки, кўпгина колоқ колхоз ва совхозлардаги аҳвол ҳали ҳам жуда ташвишлидир. Бу колхоз ва совхозлар кўкламги экишга тайёргарлик кўришда кескин орқада қолмоқдалар. Айрим фактлар келтираман:

Фарғона область, Куйбишев районидаги Киров номли колхозда чигит экиладиган майдоннинг атиги 6 процента ҳайдалган, шўр ювиш плани 0,7 процент бажарилган, топшириқда кўрсатилган маҳаллий ўғитнинг 69 процента далага чиқарилган, ирригация шохобчаларини тозалаш тугалланмаган, колхоз бирон килограмм ҳам уруғлик чигитни ташиб олмаган.

Хива районидаги «Партия XIX съезди» колхозида ерларнинг атиги 30 процента ҳайдалиб, шўр ювиш 9 процент бажарилган, далага 2 минг тонна ёки топшириққа нисбатан 26 процент маҳаллий ўғит чиқарилган, трактор паркининг 70 процента тахт қилинган ва ҳоказо. Бу колхознинг жорий счётида бир тийин ҳам пули йўқ.

Қорақалпоғистон АССРдаги «Кегайли» пахтачилик совхозида шўр ювиш 4 процент бажарилган. Пахта майдонининг фақат 40 процента ҳайдалган, маҳаллий ўғит 56 процент чиқарилган, трактор паркининг 42 процента тайёрланган.

Тошкент, Бухоро областларидан ва бошқа областлардан ҳам мисоллар келтириш мумкин. Бу мисоллар шундан далолат беради, бизда колоқ колхозларга раҳбарлик қилишда ҳали ҳам камчиликлар кўп ва ҳали кўп масалалар ҳал бўлмаган.

Ўртоқлар! Биз ҳозирги пайтда асосий эътиборни кам ҳосилли колхоз, совхоз, бригада ва бўлимларни кўтариш юзасидан белгиланган барча тадбирларни амалга оширишга қаратмоғимиз керак.

Ўрток Хрушчев ўз нутқида, бу соҳада чақириқлар ва мурожаатлар кам фойда беради, деб тўғри кўрсатиб ўтди. Бу вазифани кишилар, яхши ташкилотчилар ҳал эта олади.

Бинобарин, биз сира ҳам кечиктирмай, тегишли ташкилий тадбирларни амалга оширмоғимиз, колоқ колхоз, совхоз ва бригадаларни ишнинг кўзини биладиган, раҳбарлик савиясини зарур даражага кўтаришни таъминлай оладиган ва мўл ҳосил олишни ташкил этишга қобил кадрлар билан мустаҳкамлағимиз зарур. Биз илғор хўжаликлардан, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари орасидан яхши кишиларни танлаб олиб, уларни колоқ колхоз ва совхозларга юбормоғимиз керак.

Биз янги раҳбарлар билан биргаликда ҳар бир колоқ колхоз ва совхоздаги ишларнинг аҳволини синчиклаб караб чиқмоғимиз, ана шу хўжаликларни кўтариш соҳасидаги барча зарур вазифаларни ҳал этишда уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатмоғимиз лозим.

Ғўза парвариши ва ҳосилни териб олишни комплекс механизациялаштиришни бутун чоралар билан ривожлантириш пахта етиштириш учун курашда муҳим резервдир.

Мавжуд техникадан фойдаланишни анча яхшиламай туриб, барча ишларни механизациялаш даражаси ва боскичини оширмасдан туриб, пахтачиликни янада кескин юксалтириш юзасидан қўйилган вазифани ҳал этиб бўлмайди. Бундан ташқари биз фақат кўп пахта беришимиз кераккина эмас, шу билан бирга, қўл меҳнатини жуда ҳа сарфлаб, арзон пахта беришимиз керак. Буни унутиш ярамайди.

Маълумки, квадрат-уялаб экиш усули кенг жорий этилганлиги ҳосилдорликни ошириш, пахта етиштиришни кўпайтириш ва ғўза парваришида меҳнат сарфларини камайтириш соҳасида республикада эришилган муваффақиятларнинг энг муҳим негизи бўлди. Шу билан бирга ана шу муҳим ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлигимизни айтиб ўтиш керак. 1957 йилда 1 миллион гектар майдондаги ғўзани икки томонлама парвариш қилиш кўзда тутилган эди, ҳақиқатда эса фақат 686 минг гектар ердаги ғўза узунаси ва кўндалангига парвариш қилинди, бу ҳатто 1956 йилдагидан ҳам камдир.

Ғўзани узунаси ва кўндалангига культивация қилиш Тошкент область колхозларида кўзда тутилганга нисбатан фақат 66 процент, Самарқанд область колхозларида 49 процент, Хоразм область колхозларида эса 38 процент майдонда амалга оширилди.

Квадратларнинг пахтачиликни янада ривожлантиришдаги аҳамияти ҳаммага маълум. Бу шунчаки агротехника масаласи эмас, бу сиёсий масаладир. Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида сўзланган нутқларнинг карийб ҳаммасида квадратлар ҳақида гап бўлди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, кенгаш квадратлардан бошланиб, квадратлар билан тугади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бюроси 1957 йил декабрь ойида 1958 йилда 1 миллион 91 минг гектар ерда ғўзани квадратуялаб жойлаштириш, шу жумладан 689 минг гектар ерга режа сими тортиб чигит экиш юзасидан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва область ташкилотлари ишлаб чиққан тадбирларни маъқуллаган эди. Ана шу тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши—3 миллион тонна пахта етиштириш мажбуриятини бажариш учун курашнинг биринчи даврида асосий роль ўйнайди.

Шунга қарамай, квадрат-уялаб чигит экишга тайёргарлик кўриш ҳали тўла-тўкис тугаллангани йўқ. Кўп колхозлар ва совхозлар режа сими тортиб чигит экишга йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст тайёрланмоқда.

Квадрат-уялаб чигит экиладиган майдонларни асбоблар воситаси билан белгилаб чиқиш атиги 84 процент, Сурхондарё областида эса 69 процент. Андижон области ва Қорақалпоғистон АССРда 75 процент бажарилган. Квадрат-уялаб маккажўхори экиш учун талаб қилинганига нисбатан фақат 15 процент майдон ажратилган.

Биз квадрат-уялаб экиш агрегатларида ишлайдиган 108 минг киши тайёрлашимиз керак бўлса-да, атиги 98 минг киши танлаб чиқдик, шулардан фақат 55 минг киши ўқишни тамомлади.

Тошкент областида экиш агрегатларида ишлайдиган 17.5 минг кишидан фақат 4 минг киши ўқишни тамомлаб чиқди. Самарқанд областида 14,5 минг кишидан 7.5 минг киши, Қашқадарё областида 8,4 минг кишидан 2 минг киши, Сурхондарё областида 9,5 минг кишидан 6 минг киши ва Қорақалпоғистонда 9 минг кишидан 3,5 минг киши ўқишни тамомлади.

Экиш агрегатлари ходимларини ўқитишга расмиятчилик билан қараш ҳоллари бор. Бунинг натижасида улар аниқ квадратлар ҳосил этиш юзасидан амалий кўникма олмаётирлар.

Бу, экишга тайёргарлик кўришдаги жуда катта камчилик бўлиб, МТС, колхоз ва совхозларнинг барча партия ташкилотларининг раҳбарлари эътиборини ана шу камчиликни тугатишга қаратмоқ зарур. Квадратлаб экишга тайёргарлик кўриш ва экишни ташкил этиш билан район партия комитетларининг биринчи секретарлари ва райижрокомларнинг раислари бевосита шуғулланмоқлари керак.

Ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир далачилик бригадаси белгиланган ҳажмда квадрат-уялаб чигит экишни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказмоғи учун биз ҳамма чораларни кўрмоғимиз, барча техникадан ва бутун имкониятлардан фойдаланмоғимиз лозим.

Қўл меҳнати сарфлашни тағин ҳам кўпроқ камайтирмоқ ва пахтакорларнинг меҳнатини енгиллаштирмоқ учун квадрат-уялаб экиш усулини янада такомиллаштириш ва бу прогрессив усулнинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш соҳасида бу йил Тошлоқ районидаги колхозлар, Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз ва бошка хўжаликларнинг кетмон чопиги ўтказмай пахтадан юқори ҳосил олишдаги тажрибасини кенг ёйишда катта ишлар қилмоғимиз керак.

МТСлар, колхозлар ва совхозлар ана шу катта масалани кенг равишда муҳокама қилиб, 1958 йилда 298 минг гектар майдондаги ғўзани, шу жумладан, Тошкент областида 45 минг гектар, Фарғона областида 58,5 минг гектар, Наманган областида 27 минг гектар, Андижон областида 27 минг гектар, Самарқанд областида 51 минг гектар, Бухоро областида 23 минг гектар, Қашқадарё областида 4 минг гектар, Сурхондарё областида 10 минг гектар, Хоразм областида 27 минг гектар ва Қорақалпоғистонда 24 минг гектар ердаги ғўзани кетмон ишлатмай парвариш қилишни мўлжалламоқдалар.

Марказий Комитет пленуми квадрат-уялаб экиш ва ғўзани кетмон ишлатмай парвариш қилиш тадбирларини белгиланган ҳажмда сўзсиз амалга оширишни барча партия ташкилотларидан, барча коммунистлардан, МТС, колхоз ва совхоз раҳбарларидан талаб қилмоғи керак.

Ҳосилни териб олишни механизациялаш ҳозирги вақтда пахтачиликдаги энг кескин проблема бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда бир киши квадрат-уялаб экиш асосида 2,5-3 гектар ерда юқори ҳосил етиштиришни уддалай олади-ю, лекин фақат 1-1,5 гектар ердаги ҳосилни қўлда териб беришга қурби етади. Бундай ҳол бизнинг зиммамизга мавжуд пахта териш машиналаридан тўлароқ ва унумлироқ фойдаланишга алоҳида эътибор беришни талаб қилиб келган бўлса ҳам, биз шундай қилмадик. Пахта ҳосилини териб олишни амалда ташкил этишда биз асосан қўл меҳнати унумдорлигини кўпайтириш, қўшимча миқдорда кўплаб теримчилар жалб этиш чораларини кўришга зўр бердик. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда республикада ҳосилни механизмлар билан териб олиш кўпаймалигина эмас, амалда йўққа чиқиб кетди. 1954 йилда колхоз ва совхозларда пахта териш машиналари билан 141 минг тонна пахта териб олинган бўлса, 1957 йилда машинада терилган пахта атиги 1,5 минг тонна бўлди.

Октябрь районидаги Киров номли колхоз 1953 йилдан бери пахта териш машиналаридан муваффақиятли фойдаланмоқда, бутун ҳосилнинг салкам 40 процентини шу машиналар билан териб олмоқда.

Колхоз теримда машинадан фойдаланиш ҳисобига 1953 йилдан 1957 йилгача 60 минг меҳнат кунини ва 354 минг сўмдан кўпроқ пулни тежаб колди, бу пул меҳнат кунига тақсим қилинди. Шу колхозда 1 гектар ердаги ҳосилни машинада териб олишга барча ёрдамчи ишларни ҳам қўшганда 27 ишчи куни сарфланаётган бўлса, қўлда териб олишга 70 ишчи куни сарф бўлмоқда.

Пахта териш техникасидан фойдаланишда «Малик» совхози ва бошка айрим хўжаликлар ҳам яхши натижаларга эришди. Кўпгина партия ва совет ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари бу кимматли тажрибани кенг ёйиш ва машина билан пахта теришни ташкил этиш билан астойдил шуғулланиш ўрнига, машиналарни ёппасига ерга уриш йўлига ўтиб олдилар.

Пахта териш машиналаридан фойдаланишда яхши натижаларга эришмоқ учун ғўзани машина терими талабларига мос қилиб ўстириш, терим олдидан ғўза баргини ўз вақтида ва юқори сифатли тўкиш, кадрларни яхши ўқитиш ва уларнинг ишини тўғри ташкил этиш керак. Пахта теришни механизациялаш муваффақиятини ҳал этувчи ана шу ишлар билан аслини олганда биз Марказий Комитет, Министрлар Совети, Қишлоқ хўжалиги министрлигидан тортиб дуруст шуғулланмадик.

Никита Сергеевичнинг «область ва республикаларнинг раҳбарлари пахта териш машиналаридан фойдаланишга зарур куч-ғайрат сарфламайдилар, кенгашларда улар машина теримини кувватлаб чиқсалар ҳам, пахта терими бошланганда машиналарни унутиб қўядилар» деган гапи тўла равишда бизнинг иш практикамизга тааллуқли эканлигини тан олиш керак.

Ҳар йили пахта терими олдидан биз Марказий Комитет пленумларини ўтказиб, унда машинада пахта териш масаласини жуда актив муҳокама қилиб, яхши қарорлар чиқариб келдик. Бу қарорлар расмиятчилик учун қабул қилинган бўлиб чиқди. Биз машина теримини ташкил этиш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини контроль қилмадик ва бу иш учун масъулият талаб этмадик.

Мен пахта териш машиналаридан фойдаланиш соҳасида қандай катта хатога йўл қўйганлигимиз ҳаммага равшан бўлса керак, деб ўйлайман. 1958 йилда ана шу хатони такрорлашга ҳақкимиз йўқ.

Республика МТС ва совхозларида СХМ-48 М маркали яхшиланган вертикал-шпинделли 5.147 машина ва горизантал-шпинделли 565 та СХС-1,2 маркали машина бор. Бу машиналар билан камида 150 минг гектар майдонлаги, шу жумладан, областлар бўйича қуйидаги миқдорда пахтани териб олиш мумкин:

Тошкент	44
Фарғона	17
Наманган	11
Андижон	19
Самарқанд	15
Бухоро	13
Қашқадарё	10
Сурхондарё	5
Хоразм	9
Қорақалпоғистон АССР	10

Машиналардан тўла фойдаланмоқ, терим ишлари муддатини ва терим-да сарф бўладиган меҳнатни анча озайтирмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоғимиз керак. Бу катта ва муҳим ишни партия ташкилотлари ўз қўлларига астойдил олмоқлари лозим.

Машинада пахта теришни муваффақиятли ўтказишга ҳозирдан бошлаб тайёргарлик кўриш зарур. Ҳосил машинада териб олинадиган майдонларни ҳар бир колхоз ва совхознинг ўзида ҳозирдаёқ ажратиб қўйиш керак. Бу участкаларга юқори малакали тракторчилар бириктиб қўйилса, улар шу ернинг ўзида чигитни экадилар, ғўзани парвариш қиладилар ва ҳосилни териб берадилар. Ана шу участкаларда чигит экишни пухта ва тўғри чизиқлар бўйлаб ўтказмоқ ва бутун вегитация даврида ғўза парваришининг машина терими талабларига мос бўладиган агротехника тадбирлари комплексини амалга оширмоқ лозим. Биз пахта териш машиналарини ўз вақтида ремонт қилиш, механик-ҳайдовчи кадрларни ўз вақтида яхши тайёрлашимиз керак. Барг тўкадиган дориларни ўз вақтида ташиб олиш, авиацияни ва шу иш учун ерда ишлатиладиган техникани ўз вақтида тахт қилиб қўйиш ва шу асосда терим олдидан баргни ўз вақтида юқори сифатли тўкиш керак.

Ўйлайманки, ҳаммамиз машина теримини жорий этишга астойдил киришсак, пахта териш машиналаримиз бинойидек ишлаб кетади ва йилнинг охирига бориб бу ҳақда КПСС Марказий Комитетига шараф билан ахборот бера оламиз.

Айрим процессларни механизациялашдан пахтачиликдаги экишдан тортиб теришгача бўлган барча ишларни комплекс механизациялашга кўчиш—ишлаб чиқариш процессларини ташкил этиш формаларини такомиллаштиришни талаб қилади. Айрим МТС, колхоз ва совхозлар ишни ташкил этишнинг янги формаларини топиб, трактор ва далачилик бригадаларига раҳбарлик қилишни механизация билан агротехникани яхши биладиган, тажрибали ташкилотчи кишилар қўлида бирлаштирдилар.

Шўрчи районидаги Калинин номли колхознинг механик Абсаматов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси ўтган йили—ўзи ишлай бошлаган дастлабки йилда ажойиб ютуқларга эришди. Бу бригада 269 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан пахта етиштириб, 1 центнер пахтага 5,4 меҳнат куни сарфлади. Ҳолбуки, колхозда 1 центнер пахтага ўрта ҳисобда 7,3 меҳнат куни сарф бўлди. Колхозда 1 киши ҳисобига 3,5 тонна пахта етиштирилгани ҳолда, бу бригадата бириктилган ҳар бир киши ҳисобига 6,7 тонна пахта етиштирилди.

Горский районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг тракторчиси Ўрток Кенжаев ҳам яхши натижаларга эришди. Ўрток Кенжаев 11 кишилан иборат ва 45 гектар пахта майдонига эга бўлган бригадага раҳбарлик қилиб, ҳар гектар ердан 21 центнердан пахта етиштирди. Бошқача қилиб айтганда, Ўрток Кенжаевнинг трактор-далачилик бригадаси ҳар бир аъзо ҳисобига 8,5 тонна пахта етиштирилди.

Трактор-далачилик бригадалари тузиш тажрибасини ўрганишда шу нарса кўринмоқдаки, пахтачиликда ишни ташкил этишнинг бу янги формаси пахта ва бошка қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот единицасига сарф бўладиган чиқимларни камайтиришда катта имкониятларга эгадир.

Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бюроси колхоз ва совхозларда трактор-далачилик бригадалари тузиш тўғрисида маҳсус карор кабул килди.

Ҳозир колхоз ва совхозларда 1.158 та трактор-далачилик бригадалари тузилиб, уларга 85 минг гектар пахта майдони бириктиб қўйилди. Бундан ташқари, 1.454 та бригада тузилди, буларда меҳнатга кобилиятли ҳар бир кишига тўғри келадиган экин майдонлари нагрузкаси жуда баланд—3,5 гектардан 5 гектаргача ва ундан ҳам ошиклиг.

Бироқ шуни айтиш керакки, бир канча областларда ва районларда трактор-далачилик бригадаларини ташкил этишда ҳали ҳам жуда суст кашлик қилмоқдалар. Биз бу ишни чўзиб юбормаслигимиз керак.

Область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги органларининг, МТСлар, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг трактор-далачилик бригадалари тузиш соҳасидаги таъминоусига бошчилик қилишлари лозим.

Трактор-далачилик бригадалари пахта етиштириш ва унинг ҳосилини териб олиш ишларининг ҳаммасини комплекс механизация асосида бажаришлари лозим. Шу бригадаларга бириктириб қўйилган пахта майдонларининг ҳаммасида катор оралари кетмонсиз, машиналар билан икки томонлама ишланиши керак. Шу бригадаларда пахта ҳосили машиналар билан териб олиниши лозим.

Трактор-далачилик бригадаларини ташкил этиш ишида энг муҳим вазифа шу бўлиши керакки, бу ишда илғор методларни кенг ёйиб, ҳар бир кишининг 8-10-15 гектар ва ундан ҳам кўпроқ ерда чигит экиб, ғўзаларни парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштириб, шу ерлардаги пахтанинг териб олишини таъминлаш лозим.

Чигит экишдан тортиб, пахтанинг ҳосилини териб олишга қадар бўлган ҳамма ишларни машиналар ёрдами билан бажариш соҳасида етарли тажриба тўпламоқ учун шундай қилиш тўғри бўлур эдики, 1958 йилдан бошлаб ҳар бир колхозда 1-2 бригадани, ҳар бир совхозда 1-2 бўлимни, ҳар бир областда 1-2 совхозни ва 1-2 колхозни ғўзани парвариш қилишни ва унинг ҳосилини териб олишни комплекс механизациялаш усулига ўтказиш керак.

Ўртоқлар! Экин майдонларини кенгайтирмасдан туриб, пахта етиштиришни янада кўпайтириб бўлмайди.

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида пахта экиладиган майдонларни 1958 йилда 50 минг гектар ва 1965 йилга бориб 320 минг гектар кенгайтириш мажбуриятини олдик. Кейинги 2-3 йил ичида республикада пахта экилаётган майдон кўпайгани йўқ. Шу сабабли бу йил пахта экиладиган майдонни 50 минг гектар кенгайтириш ва шу билан бирга ҳар бир гектарда ғўза тупларини қалинлигининг белгиланган миқдорда бўлишини таъминлаш учун гоят катта ва мураккаб ишларни бажаришимиз керак бўлади. Пахта экиладиган майдон фақат янги ерларни суғориш (бу ишларни бажариш учун катта капитал маблаг сарфлаш талаб қилинади) ҳисобига кенгайтиришгина қолмасдан, шу билан бирга биринчи навбатда, фойдаланилмасдан келаётган ерларни пахта майдонларига айлантириш, суғориш шохобчалари бўлган ерларни сув билан таъминлаш ҳисобига ҳам кенгайтириш лозим. Бундай ерлар ҳар бир областда, ҳар бир районда бор.

Бу ишда пахта ерларини машина ёрдами билан суғоришни янада ривожлантириш катта роль ўйнайди, чунки тажрибада маълум бўлишича, суғориладиган ер майдонларини насослар орқали суғориш ёрдами билан жуда тез ва арзон равишда кенгайтириш мумкин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалигига насослар етказиб беришни анча кўпайтириш чораларини кўрдилар.

Бироқ, сизларнинг эътиборингизни шу нарсага жалб қилиш керакки, Ўртоқлар, хатто янги ва бўз ерларни экишга тайёрлаш ишлари бу йил ҳам қониқарсиз бормоқда. Планга мувофиқ ўзлаштирилиши лозим бўлган 36 минг гектар ердан фақат 27 минг гектари ирригация-мелиорация ишларини ўтказиш учун тайёрланди, фақат 18 минг гектаргина текисланиб қўйилди.

Бу йил пахта экиладиган майдонни 50 минг гектар миқдорида кенгайтириш мажбуриятини олганлигимизни унутмаслигимиз керак.

Янги ерларни тайёрлаш ишлари Тошкент областида айниқса ёмон бораётир. Бу областда янги ерларни экишга тайёрлаш плани 45 процент бажарилди, шу жумладан Главголодностепстрой 30 процент бажарди; бу ишлар Сурхондарё областида 60 процент бажарилди. Ҳоразм областида ўзлаштиришга мўлжалланган ерларнинг 51 процента суғориш учун тайёрланди, 68 процента эса текисланиб қўйилди.

Биз ер ва сув ресурсларимизни ва имкониятларимизни синчиклаб кўздан кечиришимиз ҳамда колхозларда ва совхозларда шу вақтгача фойдаланилмаётган ерларнинг ҳар бир бўлагини ҳам кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун ўзлаштиришимиз зарур.

Пахта экиладиган майдонларни бу йил Тошкент области 10 минг гектар, Фарғона области 6 минг гектар, Наманган области 5 минг гектар, Андижон области 5 минг гектар, Самарқанд области 4 минг гектар, Бухоро области 4 минг гектар, Қашқадарё области 3 минг гектар, Сурхондарё области 3 минг гектар, Хоразм область 5 минг гектар, Қорақалпоғистон АССР камида 7,5 минг гектар кўпайтириши лозим.

1965 йилда 4 миллион тонна пахта етиштириб бермоқ учун пахтачиликни шундай даражага кўтариш керакки, биз ҳозирги вақтда пахта экилаётган 1 миллион 300 минг гектар ернинг ҳар бир гектаридан ўрта ҳисоб билан 27 центнердан ҳосил оладиган бўлайлик, бу эса пахта етиштиришни 750 минг тонна кўпайтиришга имкон беради. Шу билан бирга Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида ҳар бир гектар ердан олинаётган пахта ҳосили 28-31 центнерга етказилиши лозим.

Ҳар бир гектар ердан олинаётган пахта ҳосили Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хоразм областларида 24-27 центнерга, Қорақалпоғистонда эса камида 22 центнерга етказилиши керак.

Бундан ташқари суғориладиган ерларда пахта майдонларини 320 минг гектар кенгайтиришимиз ва шу тарика кенгайтирилган ерлардан 500 минг тонна пахта ҳосили олишимиз лозим, бунинг учун қўшимча равишда яна 700 минг гектар янги ерга сув чиқаришимиз керак.

Туябўғиз ва Чимқўрғон сув омборларини қуриш ишларини кучайтириш, Қуйимозор ва Учкизил сув омборлари қурилишини 1958 йилда битказишимиз зарур.

Мирзачўлни ва Марказий Фарғонани ўзлаштириш ишларини кучайтириш бизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифамиздир.

Мирзачўл территориясининг ҳамма сида суғориш ва зовур системалари қуришимиз, Марказий Фарғона ерларининг ҳаммасини, шунингдек Фарғона водисининг бошқа қисмларидаги ерларни суғоришимиз, Чирчиқ-Оҳангарон, Зарафшон, Сурхондарё ва Қашқадарё ҳавзаларида ва Амударё этакларидаги ерларда сув омборлари, катта сув узеллари ва каналлар қуриш йўли билан ерларни суғоришни ривожлантиришимиз лозим.

Суғориладиган экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун экилиб келаётган ерларнинг шўрланиб ва захланиб қолишига қарши курашиш ишларини анча кучайтириш зарур. Бунинг учун ҳар хил зовурлар қуриб, ерости сувларини кетказиш билан бирга, каналлар ва далалардан шимилиб ерости сувларига қўшилиб кетадиган сизот сувларини анча камайтириш чораларини ҳам кўриш керак.

Биз усти ёпиқ ва тилма зовурлар қазиб, шу зовурларга сизот сувларини тўплаш ва зовурларни кўпайтириш йўли билан ер захини кетказиш, мавжуд очиқ зовурлардан фойдаланишни яхшилаш ишларини кучайтиришимиз, шунингдек ер ости сувларидан экинларни суғориш учун кенг равишда фойдаланишимиз лозим.

Суғориш системаларининг техника ҳолатини яхшилаш ва бу системаларда иншоотлар қуриш соҳасида катта ишлар қилишимиз керак. Бу соҳада каналлардаги сувнинг шимилиб кетишига қарши курашиш чораларини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш керак. Бунинг учун каналларнинг ўзанларини мустаҳкамлаш ва цементлаш, шунингдек сувларнинг каналларда шимилиб кетишига йўл қўймайдиган бошқа чораларни кўриш керак.

Янги ерларни камроқ меҳнат сарфлаб ва мумкин қадар тез ўзлаштирмоқ ва шу тарика бу ерларни экин-зорларга айлантирмоқ учун машина-мелиорация отрядларини ер текислайдиган машиналар, бульдозерлар, скреперлар, грейдерлар билан етарли миқдорда таъминлашимиз керак. Шундай машиналар бўлмаганлиги сабабли ўрмаловчи тракторлар ер ҳайдашдан бўшаб қолган вақтда уларнинг кўпидан бу ишлар учун фойдаланилмай турибди.

Ўтган йилиёқ Марказий Комитет Бюроси саноат масалалари билан шуғулланувчи бир группа ўртоқларга ер текислайдиган машиналарни республика заводларида ишлаб чиқаришни ташкил этишни топширган эди. Бироқ, бу масала шу вақттача ҳам ҳал қилинмай келаётир. Андижон заводининг ишлаб чиқариш планига бульдозерлар ишлаб чиқариш киритилган бўлса ҳам, лекин завод металл билан таъминланмади. Бу масалани дарҳол кўриб чиқиш ва етарли миқдорда бульдозерлар, шунингдек скреперлар ва грейдерлар ишлаб чиқариш керак.

Ўртоқлар! Бизнинг қишлоқ хўжалик фанимиз пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда катта роль ўйнайди.

Аввало биз селекция ишларини етарли даражага кўтаришимиз лозим. Ўрток Хрушчев ўз нутқида бу ишга кам эътибор берилаётганлигини жуда тўғри кўрсатиб ўтди. Маълумки, пахтанинг энг яхши сортларини етиштириб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш пахтачиликдаги тўб вазифаларнинг биридир. Дарҳақиқат бизнинг селекционерларимиз кўп йиллардан бери колхозлар ва совхозларда экиш учун серҳосил, эртанишар ва пахтаси машинада териб олишга мослашган янги пахта сортларини жуда кам етиштирмоқдалар. Бу камчиликни тезроқ тузатиш керак. Биз уруғчилик ишини жиддий равишда яхшилашимиз зарур. Пахтачиликдаги уруғчилик ишларини ташкил қилишда катта камчиликлар борлиги, экиладиган чигитларни сортларга ажратиб берадиган машиналарнинг йўқлиги, яхши сараланмаган чигитлардан экиш учун фойдаланиб келинаётганлиги ортиқ токат қилиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Ҳар бир зонада уруғчилик хўжаликларини анча кўпайтириш ва юқори сифатли уруғлик чигит етиштириб бериш учун уларга бутун шароитни яратиб бериш керак.

Пахтачиликни механизациялаш билан шуғулланувчи фанни ривожлантириш ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини кенгайтириш соҳасида жуда кўп ишлар қилишимиз керак. Шу йилнинг ўзидаёқ ҳар бир уяга белгиланган миқдорда чигит экиб кетадиган яхши сеялка вужудга келтиришимиз лозим. Агар чигит шундай сеялка билан экилганда ғўзани яганалаш учун зарурият колмайди. Ёш ғўзаларнинг тез ривожланиши учун жуда яхши шароит вужудга келади ва кўп миқдорда уруғлик чигит тежалади. Шундай сеялка билан бир каторда уруғлик чигитни туксизлантиралиган, сараланган, сортларга ажратилган ва дорилайдиган аппаратлар ҳам яратиб бериш керак.

Ғўза тупидан пахтани суғориб олишнинг янги принципларидан дадиллик билан фойдаланиб, анча такомиллашган пахта терими машиналарининг конструкцияларини тезроқ ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек пахтани каноргa тиқмай ташиш, пахтани юклаш ва бўшатиш ҳамда пахтани териш вақтида бажариладиган бошқа ёрдамчи ишлар учун машиналар яратиб беришни ҳам тезлатиш зарур. Бу эса кўп миқдорда қўл меҳнатини тежашга имкон берарди.

1-2 йил ичида олимлар ва конструкторлар пахтачилик учун яхши чопиқ трактори ва культиватор тайёрлаб беришлари лозим. Бундай трактор ва культиватор ғўза катор ораларининг ишланадиган зонасини анча кенгайтиришга, шу ишланадиган зонанинг ғўза тупларига мумкин қадар якинлашувига имкон берадиган бўлсин. Бу эса кўл билан қилинадиган ишларни тўлиқ машиналаштириш учун муҳим шарт бўлади.

Суғоришни, чеканка қилишни ва бошка ишларни механизациялаш масалаларини ҳам ладдиллик билан ҳал этиш керак.

Пахта ҳосилини қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларидан химия қилиш, ғўза баргини тўкиб юборадиган ва пахтаси очилиб бўлган ғўзани ривожланишдан тўхтатиб қўядиган дорилар топиш, бегона ўтларни химиявий усуллар билан йўқотиш масалаларини ҳал қилиш соҳасида илмий-текшириш ишларини кучайтириш зарур. Америкада ва бошка мамлакатларда гербицитлар кенг равишда ишлатилаётганлиги маълум бўлишига қарамай, бизнинг илмий ташкилотларимиз гербицитлар билан шу вақттача тузук шуғулланмаётганликлари мутлако йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Гербицитлар ёрдами билан кўпгина кўл меҳнатини тежаш мумкин.

Ғўза қатор оралари устини мульча қоғозлар билан коплаш тажрибаларини давом эттириб, бу йил бу ишни тагин ҳам юксак даражада ўтказишимиз керак.

Бизнинг олимларимиз пахтачилик, ирригация, мелиорациянинг ва қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг бўлак муҳим масалаларини ҳам ҳал қилиб беришлари лозим.

Партия ва Ҳукумат Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Республикамизда Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи барча илмий ташкилотларни бирлаштирган бу академиянинг фанни тез олга силжитиш учун катта имкониятлари бор. Афсуски, бу имкониятлардан ҳозирча унчалик тўлиқ фойдаланилмаётир.

Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президиуми, Ўзбекистоннинг ҳамма олимлари республикамизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришнинг муҳим проблемаларини ҳал қилишда ўз активликларини оширишлари, пахтакорларга олинган мажбуриятларни бажаришда жиддий ёрдам кўрсатишлари лозим.

III. Республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кескин юксалтирайлик

Ўртоқлар! Пахта етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини зарур маҳсулотларнинг ҳаммаси билан таъминламоқ учун қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам ҳар томонлама ривожлантириш мажбуриятларини зиммамизга олдик.

Бизнинг табиий-иқлим шароитларимиз кўйчиликни ва гўшт-сут чорвачилигини ривожлантириш билан кенг миқёсда шуғулланишимизга имкон беради.

Қорақўйчиликни янада ривожлантирмоқ учун бутун кучни ва орттирган тажрибаларимизни сарф қилишимиз зарур. Майин жунли қўйлар сонини кўпайтиришимиз ва бу қўйларнинг маҳсулдорлигини ошириб, Ватанга қимматли майин ва ярим майин жунни мумкин қадар кўпроқ беришимиз керак. Гўшт чорвачилигини ва гўшт-сут чорвачилигини ривожлантириш гўшт етиштиришни кескин равишда кўпайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Чорва молларни яйловда боқиб семиртириш ишларини кенг миқёсда ўтказиш ва шу йўл билан юқори сифатли, арзон мол ва қўй гўшти олиш керак.

Биз сутни етарли миқдорда етиштирмаётирмиз. Шу сабабли қора моллар зотини яхшилаш, сигирларнинг сонини бутун чоралар билан кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун қўшимча чоралар кўриш зарур.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида зиммамизга олинган социалистик мажбуриятларни 1958 йилда бажариш чорва моллар қишловининг ва кўзиватиш кампаниясининг муваффақиятли ўтишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бу йилги қишнинг об-ҳаво шароити чорва моллар сонини нобуд қилмай, батамом сақлаб қолиш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун қулай келганлигига қарамай, республика колхозларида чорва моллари боқиш ва асраш ёмон ташкил қилинганлиги натижасида ҳозирги вақтда республика колхозларида 90 минг бошга яқин ёки 14,6 процент тузук семиртирилмаган қора мо

12 мартда Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида МТСдан техникани қишлоқ хўжалик артелига ўтказиш маросими бўлди. **Суратда:** колхозчилар митинги. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Матқобулов нутқ сўзламоқда. **Б. Фомичев** фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

„Қизил Ўзбекистон“ газетасига Меҳнат Қизил Байроқ орденининг топширилиши

12 мартда Тошкентда «Қизил Ўзбекистон» газетасига Меҳнат Қизил Байроқ орденини топшириш маросими бўлди. Газета меҳнаткашларни сиёсий руҳда тарбиялашда самарали ишлар қилганлиги, пахтачиликни юксалтириш учун курашда актив қатнашганлиги ҳамда Ўзбекистон ССР ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларини коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этганлиги учун газетанинг ўн мингинчи сони чиққанлиги муносабати билан шу орден билан мукофотланган эди.

Ана шу шонли воқеага бағишланган тантанали йиғилишда қатнашиш учун республика пойтахти меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залига тўпландилар. Залда ҳозир бўлган кишилар КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Н. А. Муҳитдинови самимий кутиб олдилар. Йиғилишда М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, А. П. Бизов, Г. А. Габриельянц, Р. Ғ. Ғуломов, С. К. Камолов, Т. Қамбаров, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзаахмедов, Қ. Муртазоев, С. Н. Нуриддинов, З. Р. Раҳимбобоева, область партия комитетининг секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари, министрлар ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева очди. Ўртоқ Раҳимбобоева Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети номидан «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакцияси ходимлари коллективини, шунингдек республика газеталари бирлашган нашриёти босмахонасининг ишчи ва хизматчиларини, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг кўп сонли армиясини газетанинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланиши туфайли, қизғин табриклайди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. Иброҳимов ўз нутқида коммунизм қурувчилар ёш авлодини тарбиялашда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг қилган катта хизматлари тўғрисида гапиради.

Шу билан тантанали йиғилиш ёпиқ, деб эълон қилинади. (ЎзТАГ).

Газетанинг ҳукуматнинг юксак мукофотига сазовор бўлганлиги, дейди Ўртоқ Раҳимбобоева, унинг республикадаги ишчилар, колхозчи деҳқонлар ва зиёлилар кенг оммасини мамлакатимизда коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш соҳасидаги самарали ишлари ва катта хизматларини тақдирлашдир. «Қизил Ўзбекистон» газетаси Совет Шарқидаги энг кекса миллий газеталарнинг бири бўлиб, социалистик қурилишнинг барча этапларида омма ўртасида партия сиёсатини актив суратда амалга ошириб келди ва ҳозирги вақтда ҳам актив суратда амалга оширмоқда.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. А. Муҳитдинов минбарга чиқади. Ўртоқ Муҳитдинов давомли қарсаклар остида, СССР Олий Совети Президиумининг топширигига мувофиқ, Меҳнат Қизил Байроқ орденини «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори И. А. Раҳимовга топширади. Ўртоқ Муҳитдинов редакция коллективини ва унинг активини, шунингдек босмахона ходимларини ҳукуматнинг юксак мукофоти билан табриклайди, газетанинг ўз ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилайди.

Ўртоқ Раҳимов орденни қабул нутқида республикадаги кўп ёзувчилар ва шоирларнинг ижодий фаолияти «Қизил Ўзбекистон» газетаси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги тўғрисида гапиради. Шу сабабдан,— деди у, — барча ёзувчилар газетанинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланишини зўр шодлик билан кутиб олдилар. Ўртоқ Раҳмонов редакция коллективини табриклаб, унинг ўз ижодий ишларида бундан буён ҳам муваффақиятларга эришувини тилайди.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг академиги А. С. Содиқов орденли газетанинг коллективини республика олимлари номидан қизғин табриклайди. Ўртоқ Содиқов совет фанининг буюк муваффақиятларини пропаганда қилишда, фан ва техника интеллигенцияси миллий кадрларини тайёрлашда матбуот олдида турган катта ва фахрли вазифалар ҳақида гапиради.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. Иброҳимов ўз нутқида коммунизм қурувчилар ёш авлодини тарбиялашда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг қилган катта хизматлари тўғрисида гапиради.

Шу билан тантанали йиғилиш ёпиқ, деб эълон қилинади. (ЎзТАГ).

„Қизил Ўзбекистон“ колхозида қудратли ишлаб чиқариш базаси вужудга келтирилмоқда

Баҳор кези. Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози посёлкасидаги бинолар ва кўчалар қизил байроқ, шиор, транспарантлар билан ёрқин безатилган. Ҳамма жойда шод-хурамлик ҳукм суради.

Оржоникидзе районидаги пахтакорлар, турли ишлаб чиқариш ва илмий муассасаларнинг, партия ва совет органларининг ходимлари шу райондаги МТСнинг техникасини қабул қилиб олишга бағишланган митингда қатнашиш учун 12 мартда шод-хуррамлик билан бу ерга тўпландилар.

Колхоз ишлаб чиқаришининг илғорлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, қўшни колхозларнинг раҳбарлари, область ташкилотларининг вакиллари минбарга чиқдилар. КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. А. Муҳитдинов, М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, А. П. Бизов, Г. А. Габриельянц, Р. Ғ. Ғуломов, С. К. Камолов, Т. Қамбаров, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзаахмедов, Қ. Муртазоев, С. Н. Нуриддинов, З. Р. Раҳимбобоева, М. В. Муҳамаджоновлар шу тантанада қатнашиш учун бу ерга келганлар.

Митингни Оржоникидзе район ижроия комитетининг раиси Р. Носиров қисқача кириш сўзи билан очди.

— Ўзбекистон меҳнаткашлари,— дейди Ўртоқ Носиров, — СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик муносабати билан барча совет кишилари билан биргаликда ўзларининг сиёсий ва ижодий активликларини янада оширдилар. Пахтакорларнинг Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ кенгашида янги, оширилган мажбуриятларни ўз зиммаларига олган пахтакорларнинг далаларда зўр ғайрат билан қилаётган ишлари бунинг ёрқин исботидир.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари шу кунларда ўз эҳтиёжлари ва талабларига зўр эътибор бераётганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан самимий миннатдор эканликларини изҳор қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезислари барча пахтакорларнинг орзу ва тилакларини акс эттиради. Бизнинг пахтакорларимиз Пленумининг МТСларни қайта ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини чин кўнгилларидан табрикламоқдалар.

Райондаги колхозлар партиянинг кўрсатмаларини амалга ошира бориб, техникани сотиб олиш ва кўклам экиш ишларини ўз агрегатлари билан бажаришга қарор бердилар. Колхозлар бунинг учун барча имкониятларга эгадирлар. Улар ўтган йил ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 37 центнердан ҳосил етиштирдилар ва 109 миллион сўмдан кўпроқ даромад олдилар. Колхозларнинг бўлинмас фондларга топширган галдаги маблағи 16 миллион сўмдан кўпроқ бўлди. Демак, улар машиналарни, ёнилғини, машина мойларини сотиб олиш, йирик ишлаб чиқариш базасини вужудга келтириш учун етарли даражада маблағга эгадирлар.

Оржоникидзе МТСининг директори С. И. Абдурашидовга сўз берилади. Ўртоқ Абдурашидов қуйидагиларни айтади:

— Коммунистик партия КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан буён мамлакат қишлоқ хўжалигини кескин суратда ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарорларни амалга ошириб келмоқда. Бунинг натижасида колхоз ва совхозлар ўз хўжаликларини ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши галла проблемасини ҳал этишга ёрдам берди. Эндиликда пахтачилик соҳасида илғор агротехника кенг қўлланилмоқда ва қўл меҳнати сурбетлиги чиқарилмоқда. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, кетмон ишлатмай туриб, машиналар ёрдами билангина кенг майдонларни ишлаш ва мўл ҳосил етиштириш мумкин. Тошлоқ районидаги механизаторларнинг, шунингдек Ўрта Осиё машина-синов станциясининг механиги Валентин Тюпконинг кўрсатган намунаси техникадан тўғри фойдаланиб, ҳар бир ходимга ҳозиргидан анча кўпроқ майдонни биркитиб бериш мумкин эканлигини кўрсатди.

Далаларда кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларнинг ҳаммасини механизациялаш учун машиналар колхозчиларнинг ихтиёрида бўлиши керак. КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори хўжаликнинг ҳамма соҳаларида, биринчи галда, пахтачилик соҳасида механизмларни кенг қўлланиш йўлини очиб беради.

Колхозлар ҳозирги вақтда ташкилий-хўжалик жиҳатидан анча мустаҳкамланди. Колхозлар бир неча йилдан буён қўшимча ишларни бажариш учун зарур бўлган машиналарни сотиб олмоқдалар. Пахтакорларнинг ўз техникасидан МТС ходимларига нисбатан анча унумлироқ фойдаланиб келаётганликлари аён бўлиб қолди. Бугун биз, «Қизил Ўзбекистон» колхозига 150 машина ва асбоб-ускунани топширамиз. Колхозчиларнинг ана шу машина ва ускуналардан ғоят унумли фойдаланишларига шак-шубҳамиз йўқ.

Илгари МТСда ишлаган 70 механизатор пахтакорлар оиласига қўшилади. Шундай қилиб, колхозлаги мутахассислар сони анча ортади.

Кучли ишлаб чиқариш базасининг вужудга келтирилиши қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини, жумладан, чорвачиликни ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш ва аҳоли жон бошига гўшт, сут ҳамда ёғ етиштириш соҳасида қисқа вақт ичида АҚШга етиб олиш йўлидаги ҳаракатга қўшилдилар. Колхозлар ихтиёрида техниканинг бўлиши мустаҳкам ем-ҳашак базасини вужудга келтириш ва бу билан олдимизга қўйилган вазифани тезроқ ҳал этиш имконини беради.

Машиналарни сотиб олиш, мутахассис ва механизатор кадрларни кўпайтириш колхоз аъзоларининг ишлаб чиқариш соҳасидаги активлигини оширишга ва уларнинг меҳнатини енгиллаштиришга ёрдам беради.

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Матқобулов микрофон ёнига келади. Ўртоқ Матқобулов айтадики, яқинда колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда бир миллион уч юз минг сўмликдан кўпроқ техникани сотиб олишга ва илгари МТСда ишлаган 70 механизаторни колхозга қабул қилишга қарор берилди.

— Бу факт, — дейди Ўртоқ Матқобулов, — КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори ҳозирданоқ амалга оширила бошлаганлигини исбот этади. Эндиликда колхоз ер ва техниканинг эгаси бўлади.

Колхозимизнинг иш намуналари Коммунистик партия қишлоқ хўжалигидаги аҳволга ғоят донолик билан баҳо бераётганлигини кўрсатади. Бундан 15-18 йил илгари колхозда пахта майдонлари кам эди ва ҳар гектар ердан йигирма центнердан сал ошмоқроқ ҳосил олинар эди. Ўша пайтда МТСнинг ёрдами ғоят зарур эди. Машина-трактор станциясининг мутахассислари илғор агрономия усулларини жорий қилишда колхозга ёрдам бердилар, тўғри планлаштириши ва тупроқнинг хусусиятига қараб қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш йўлларини ўргатдилар, МТС бизга техника бериб турди. Ҳозирги вақтда колхозда 1.230 гектар ерга пахта экилмоқда. Ҳосил эса, қарийб икки баравар ортди ва ўтган йили ҳар гектар ердан 38,7 центнердан пахта ҳосили олинди. Бундан ташқари, колхозда 540 гектар бедазор, 400 гектар сабзавот ва картошка майдони, 440 гектар узумзор ва боғлар бор.

Чорвачилик муваффақиятли суратда ривожланмоқда. Олти чорва фермаси ташкил этилди. Ўтган йили ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 2.870 литр сут согиб олинди. Кейинги етти йил ичида колхозда етиштирилган сут 40 тоннадан 840 тоннагача кўпайди.

Колхозда даромад анча кўпайди. Ҳозирги вақтда бўлинмас фондимизда 35,5 миллион сўм даромад маблағ борлигини айтиб ўтиш кифоядир. Ўтган йили колхознинг умумий даромади 26 миллион сўмдан ортди. Ҳар меҳнат кунига 25 сўмдан кўпроқ пул, уч килограммга яқин галла, шунингдек гўшт, картошка, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар берилди. Кейинги бир йил ичидагина ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маданий-маиший эҳтиёжларни қондириш учун тўрт миллион сўм сарфланди.

Ҳозирги вақтда колхозда яхши ремонт устахоналари бор. Бу устахоналарда токарлик станоклари ва бошқа станоклар бор, механикалаштирилган темирчилик ишхонаси, темир йўл тармоғи, ғишт заводи ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари ташкил қилинди.

Колхоз правлениеси пахтакорлар посёлкасини обод қилишга катта эътибор бермоқда. Пахтакорлар посёлкаси радиолаштирилди ва телефонлаштирилди. Колхозчилар электр қуввати ва водопроводдан фойдаланмоқдалар. Посёлкада мактаб, дам олиш уйи, амбулатория, туғруқхоналар қурилди.

Колхозимизнинг аҳволи тамомила ўзгарди. Колхозда агротехника ва машиналарни яхши биладиган малакали кадрлар ўсиб етишди. Шунинг учун ҳам пахтакорлар КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорини чин кўнгилларидан маъқулламоқдалар. Эндиликда колхозлар техникадан яхшироқ фойдалана оладилар. Шу билан улар натура ҳақи сифатида кўп маблағ тўлашдан ҳам халос бўладилар. Шу йўл билан тежалган маблағлардан кадрлар учун фойдаланиш имконияти туғилади. Колхоз правлениеси колхозда механизация мактабини очишга қарор қилди. Бу мактабда ўнинчи синфларни тамомлаб чиққан ёшлар, звено, бригада бошлиқлари ўқийдилар.

Ўртоқ Матқобулов шу ерда ҳозир бўлган кишиларни ишонтириб айтадики, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорида ифода этилган ғамхўрлигига жавобан далаларда янада зўр ғайрат билан меҳнат қиладилар ва пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида қабул қилинган мажбуриятларни бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзолари бу йил ҳар гектар ердан қирқ центнер, яъни ўтган йилдагидан 2 центнер кўпроқ пахта етиштиришга қарор бердилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлидаги умумхалқ курашига уларнинг қўшадиган ҳиссаси ана шудир.

МТС директори Ўртоқ Абдурашидов ва колхоз раиси А. Матқобулов ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида техникани топшириш тўғрисидаги актни имзоладилар.

Механик А. С. Белик минбарга чиқади.

— Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари каби пахтакорлар ҳам,—деди у, — КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорини астойдил маъқулламоқдалар. Бу қарор ўз вақтида чиқарилган зарур қарордир. Кейинги вақтларда колхоз билан МТСлар ўртасидаги муносабатда шундай ҳол рўй бердики, бу ҳол жамоат ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга халақит бера бошлади. Амалда қандай аҳвол рўй бераётганлигига бир мисол келтириб ўтаман. МТСнинг бош агрономи тупроққа ўғит чиқариб солиш ёки ғўзани суғориш учун эгат олиш пайти келмагани ҳолда, механизаторларга шу ишларни бажариш тўғрисида кўрсатма беради. МТС трактор ишлари планининг бажарилишидан, колхоз эса, агрономия қоидаларининг ўз вақтида амалга оширилишидан ва маҳсулот етиштиришда меҳнатнинг камроқ сарф қилинишидан манфаатдордир. Механизаторларнинг ишларига нотўғри йўл кўрсатиш каби ҳоллар ҳам рўй берди. Масалан, «Қизил Ўзбекистон» колхозига «С-80» маркали янги трактор юборилдар. Трактор зайдовчи ишга киришмасданоқ МТС дирекциясининг фармойишига мувофиқ мазкур агрегатни бошқа колхозга юборишдилар.

МТСда қаерга ва қандай техникани юбориш планини тузилар. Лекин мазкур техника юборилган колхозда унга эҳтиёж борлиги ё йўқлигига ва бу техникадан қандай фойдаланилганлигига кам эътибор бердилар. Эндиликда колхозлар ўзларига зарур бўлган машиналарнигина сотиб оладилар, механизаторлар эса ишлаб чиқариш планларига қаттиқ амал қиладилар.

Ўртоқ Белик сўзининг охирида қуйидагиларни айтади:

— Менинг фикримча, техниканинг колхозлар ихтиёрига топширилиши муносабати билан ремонт-техника устахоналари дастлабки пайтларгина керак бўлади. Колхозлар ўз базаларида яқин орада ҳатто, тракторларни ҳам капитал ремонтлаш чиқара оладилар. Бунинг учун Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши хилма-хил станокларни сотиб олишда бизга ёрдам бериши керак.

«Қизил Ўзбекистон» колхози залачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эгамназаров минбарга чиқади.

— Пахтакорлар, — деди у, — машиналарнинг ёрдами билан ўз ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар, куч ва маблағни кам сарф қилиб, ҳосилдорликни оширадилар. Мен бошлиқ бригада бу йил ҳар центнер ҳосил етиштириш учун кўп деганда уч меҳнат куни сарфлашга, бригаданинг даромадини эса, икки миллион сўмга етказишга қарор берди.

Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов колхозчиларни янги техника сотиб олиш билан самимий табриклайди ва уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

Митинг тамом бўлди. Механизаторлар ўз машиналарини тош йўлга чиқариб, ўз участкалари томон йўл оладилар.

* * *

Шу куни Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхозда МТС техникасини қабул қилиб олишга бағишланган тантанали митинг бўлди. Колхоз 800 минг сўмлик 89 трактор ва турли механизмларни сотиб олди. (ЎзТАГ).

Пахта усталари қолоқ колхозларга ишга бормоқдалар

СИРДАРЁ, (ЎзТАГ). Сирдарё районининг колхозчилари пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг олган мажбуриятларини амалга ошира бориб, қолоқ колхозларни илғор колхозлар даражасига кўтариш учун конкрет чораларни кўрмоқдалар.

Энг яхши пахта усталаридан бири. Х. Маҳкамов Охунбобоев номли колхоздан «Ёш ленинчи» колхозига юборилди. Ўртоқ Маҳкамов ҳозир «Ёш ленинчи» колхози правлениесининг раиси қилиб сайланди. Оталикка олган пахта усталари қолоқ колхозда прогрессив агротехника усуллари тўғрисида, кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни комплекс механизациялаш ҳақида бир неча суҳбат ўтказдилар, экиш кампаниясининг оператив планини тузишда ёрдам бердилар. Бу план асосий майдонда квадратлар ҳосил қилишни ҳисобга олиб тузилди.

Охунбобоев номли колхознинг аъзолари оталиқдаги колхозга ўзаро текшириш бригадаси юборди. Бу бригада шўрҳок ерларни қандай қилиб яхши ювиш ва далаларни текислаш ишларини қандай бажариш кераклигини амалда кўрсатди. Айни бир вақтда, «Ёш ленинчи» колхозига транспорт бригадаси юборилди. Бу бригадага экиш материаллари, ўғитларни базадан ташиб берди.

Бунинг натижасида илгари қолоқ бўлган ана шу колхоз районда экиш ишларига биринчи бўлиб тайёрланган колхозларнинг бири бўлиб қолди.

Ленин номли, Сталин номли, Тарас Шевченко номли колхозлар ва бошқа бир қанча колхозлар ҳозирги вақтда қўшни колхозларга оталик йўли билан ёрдам бермоқдалар. 20 кишидан ортиқ пахта усталари қолоқ колхозларга кўчиб раҳбарлик ишларини бажара бошладилар.

Совет-Албания илмий-техника ҳамкорлиги комиссиясининг тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

ТИРАНА, 11 март. (ТАСС). Яқинда Тиранада Совет-Албания илмий-техника ҳамкорлиги комиссиясининг тўртинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Сессия иккала мамлакат экономикасини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, айрим проблемаларни биргаликда ишлаб чиқиш, бир-бирларига мутахассислар юбориб туриш, конференцияларда ва институтларнинг илмий кенгашларида қатнашиш йўли билан Совет Иттифоқи ва Албания Халқ Республикасидаги ўхшаш илмий-техника муассасалари ўртасидаги илмий-техника ҳамкорлигини янада кенгайтириш чораларини тўла ҳамжиҳатлик вазиятида муҳокама қилди.

Томонлар бундан аввалги сессиялар қарорларининг бажарилишини якунладилар, СССР ва Албания Халқ Республикасидаги тегишли ташкилотларнинг илмий-техника муваффақиятларини ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ишлаб чиқариш тажрибасини алмашувига доир навбатдаги масалаларни муҳокама қилдилар.

1958 йил 8 мартда Совет-Албания илмий-техника ҳамкорлиги комиссияси тўртинчи сессиясининг протоколи имзоланди.

Имзоланган протоколга мувофиқ, совет ташкилотлари Албания Халқ Республикасининг тегишли ташкилотларига бир қанча объектларнинг капитал қурилишига доир техника ҳужжатларини, айрим буюмларни ишлаб чиқариш технологиясининг тасвирини ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг намуналарини топширадилар; ихтисослаштириш ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ва илмий-техника тажрибаси билан таништириш учун албан мутахассисларини корхоналарга ва институтларга қабул қиладилар ҳамда техника ёрдами кўрсатиш учун мутахассисларни Албанияга юборадилар.

Томонлар иккала мамлакат ўртасидаги илмий-техника ҳамкорлиги самимий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида муваффақият билан ривожланаётганлигини зўр мамнуният билан таъкидладилар.

КОРЕЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИ ВА КОРЕЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ РАҲБАРЛАРИ ХИТОЙ ХАЛҚ КЎНГИЛЛИЛАРИНИ ДЎСТОНА КУЗАТИБ ҚОЛДИЛАР

ПХЕНЬЯН, 11 март. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, бугун Пхеньянда Кореядан ватанига жўнаб кетаётган хитой халқ кўнгилларини дўстона кузатиб қолишга бағишланган маросим бўлди. Маросимда Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен ва Корея Меҳнат партиясининг, Корея Халқ-Демократик Республикаси Олий халқ мажлиси ва Министрлар кабинетининг бошқа раҳбарлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Шу муносабат билан ўтказилган митингда Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен нутқ сўзлади. Ким Ир Сен бутун корейс халқи номидан, Корея Меҳнат партияси ва Корея ҳукумати номидан хитой халқ кўнгиллиларига корейс халқининг озодлик йўлидаги, мамлакат мустақиллиги йўлидаги курашига ҳамда Узоқ Шарқда тинчликни ҳимоя қилиш ишига қўшган ҳиссаси учун ташаккур изҳор қилди.

Хитой Халқ Республикаси, деди Ким Ир Сен, Корея масаласини тинч йўл билан ҳал этиш ва Узоқ Шарқда мустаҳкам тинчлик таъминлаш учун изчиллик билан, астойдил ҳаракат қилмоқда. Сизларнинг Кореядан кетишингиз, деди у, бу ҳаракатнинг янги ифодасидир ҳамда Кореяни тинч бирлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ким Ир Сен ва Корея Халқ-Демократик Республикаси миллий мудофаа министри Ким Кван Хеб Кореядан жўнаб кетаётган хитой халқ кўнгиллилари қисмларига табрик байроқларини топширди.

Ватанига қайтиб кетаётган хитой халқ кўнгиллилари биринчи группасининг раҳбари генерал-лейтенант Чжан Тянь-юнь жавоб нутқи сўзлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН!

Оржоникидзе районидаги „Қизил Ўзбекистон“ ва Сталин номли колхозлар МТСдан ўзлари учун зарур бўлган трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини тўла сотиб олдилар

☆ ☆ ☆

Техника ўз қўлимизга ўтди

А. МАТҚОБУЛОВ,

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

<>

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори ва Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида қиладиган доклади тезисларида коллектив хўжаликларни янада кенг тараққий эттириш перспективалари кўрсатиб берилган. Бу ҳужжатларда колхозлар билан МТСлар ўртасидаги айрим келишмовчиликлар борлиги, уни бартараф қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Колхозлар ҳаётида катта бурилиш ясайдиган бу ҳужжатларни колхозимиз аъзолари қизғин муҳокама қилмоқдалар ва МТСлардан зарур бўлган техникани сотиб олмоқдалар.

Колхозларни ривожлантиришда, мустаҳкамлашда, йирик ва бақувват социалистик хўжаликка айлантиришда МТСлар ўйнаган тарихий ролни пахтакорлар сира унутмайди. Қишлоқ хўжалигига хилма-хил техникани кенг миқёсда жорий этишда МТСлар жуда катта роль ўйнади. Аслар давомида кетмон, омоч билан иш қилиб келган деҳқон ҳозирги замон мураккаб техникасини МТСлар ёрдамида ўрганди, шу техникага эга бўлди. Шу туфайли колхоз хўжаликлари катта қадамлар билан ривож топмоқда. Энди колхозлар техникадан фойдаланишда етарли мутахассис кадрларга, материал-маблаг-га эгалар. Илгарилари колхозларда техника МТСлар ёрдами билангина ишлатилган бўлса, энди колхозчилар барча ишларда техникадан кўпроқ фойдаланишга, қўл меҳнатини камайтиришга ҳаракат қиладиган, техникани жуда қадрлайдиган бўлиб қолдилар. Модомики шундай экан, бир хўжаликка бир мақсадда ишлайдиган икки хил раҳбарлик қиладиган аппаратнинг бири—яъни МТС ортиқча бўлиб қолди.

Колхозчиларимиз пахтадан мўл ҳосил олишда бой тажрибага эга бўлдилар. Улар энди ер, об-ҳаво шароитини, ўсимликнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ишни қандай ташкил қилишни, техникадан фойдаланишни яхши биладилар. Лекин МТС буни ҳисобга олмай графиклар тузади, натижада МТСнинг графиги колхоз ишига мос келмайди ва кўпинча бажарилмай қоларди.

Баъзан колхоз томонидан ишлаб чиқилган тадбирни амалга оширишда МТС ёрдам бериш ўрнига, уни бузиб юборади. Масалан, ўтган йили Ўртоқ Холбой Нурманов бошлиқ бригадада культивация қилиб турган бир «универсал»ни МТСнинг буйруғи билан Навоий номли колхозга юборилди. Бригаданинг режаси бузилди. Кузда МТС битта ДТ-54 тракторини ҳам бошқа ёққа юборгани учун ер ҳайдаш ишлари анча кеч бажарилди.

Ўтган йили Ўртоқ Тўйчи Тошматов бошлиқ бригаданинг 40 гектар пахта майдонидаги ғўзани тракторчи Омонов 8-9 сантиметр чуқурликда сифатсиз культивация қилгани учун, унинг иши бракка чиқарилди. Лекин МТСдаги ўртоқлар трактор юрдими, бас, ҳақ тўлаш керак, ишнинг сифатли бўлиши учун эса ўз вақтида назорат қилиб туриш керак эди дейдилар.

Механизаторлар кўпинча колхозда ўзларини холис кишидай хис қиладилар. Маълумки, барча механизаторлар ҳамма вақт ҳам иш билан банд бўлмайдилар, лекин улар бўш пайтларида колхоз ишига мутлақо ёрдам бермайдилар. Улар МТСга бориб колхозда, колхозга келиб МТСда ишлаябмиз дейдилар. Икки томондан туриб хўжайинлик қилиш фақат бизнинг колхознинг ўзида 65 кишининг, айниқса пахта терими даврида бекор юришига йўл очиб бермоқда.

Ҳозиргача мавжуд техникага хўжасизлик билан қараларди. Масалан, ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналари далада ишлатилиб бўлгач, йўл бўйларига, саройларга ташлаб қўйиларди. МТС бу асбоблардан колхозда деб хабар олмасди, колхозлар эса бу МТСники, хўжайини бошқа деб эътибор бермасди. Натижада кўпгина қимматли қишлоқ хўжалик асбоблари занглаб ишдан чиқарди.

МТС билан колхозлар ўртасида ҳар хил жанжалларга, тортишувларга ва нотўғри муносабатларга сабаб бўладиган бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси бир хўжаликка икки томондан туриб раҳбарлик қилиш натижасида рўй бермоқда.

Ҳозир колхоз хўжалигига раҳбарлик қилишда янги вазият, янги шароит вужудга келди. Шунинг учун партиямиз пишиб етилган бу масалани тўғри ҳал қилди. Колхозлар тузумини янада ривожлантириш, МТСларни қайта ташкил этиш тўғрисида, колхозларга мавжуд тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини сотиш, икки томондан туриб раҳбарлик қилишга чек қўйиш тўғрисида бир қарорга келинди. Бу ҳеч шубҳасиз оқилона ва ўз вақтида кўрилган тадбирдир. Шунинг учун ҳам биз бу қарорни зўр қувонч билан қарши олдик. Ҳозирданоқ барча механизмларни қўлимизга олиб, барча деҳқончилик ишларини ўз машиналаримиз, ўз механизатор кучларимиз ёрдами билан бажариш учун зарур тадбирларни кўрмоқдамиз.

МТСдан олинадиган механизмларнинг ҳақини биз давлатга икки йил мобайнида тўлашни мўлжалламоқдамиз.

Энди биз техникани ўз қўлимизга олиш билан нималар қилмоқчимиз? Энг олдин машиналарнинг ҳамма вақт яшлашга шай ҳолда туришини таъминлашимиз керак. Бусиз иш юришмайди. **Биз ишни тракторларнинг кам-кўстларини тузатадиган устахона ва трактор парки қуришдан бошлаймиз. Ҳозир биз устахонага баъзи машиналарни келтириб ўрната бошладик. Катта автогараж ёнига трактор парки қуришни планлаштирдик.**

Ўтган йили етиштирилган ҳар центнер пахта учун 4,4 меҳнат сарфлаган эдик. Бу йил техникадан унумлироқ фойдаланиб, ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлашни кенг жорий этиб, кетмон чопиғини ўтган йилга нисбатан 3 марта камайтириб, 15 минг меҳнат тежашни, бир центнер пахта етиштириш учун 3,5 меҳнат сарфлашни мўлжалламоқдамиз.

Илгари МТСдаги техника асосан пахтачилик ишига мослаштирилган, сабзавотчиликда техника билан ер ҳайдашдан бошқа деярлик ҳеч иш қилинмас эди. Энди бу соҳада ҳам биз механизациядан кенг фойдаланамиз.

Олдин беда ерларини ҳайдаш, борона қилиш, силос босиш ишларида техникадан фойдаланишга қизиқмас эдик. Тўғриси, натура ҳақи тўлашдан қочиб бу ишларни ўз кучимиз билан қилардик. Ўтган йили 5 минг тонна силос босдик. Агар бу ишга МТС қатнашиб, фақат маккажўхорини ўриб берган тақдирда ҳам, биз унга 5 минг килограмм гўшт тўлашимиз лозим эди. Биз буни хоҳламас эдик. Партиямизнинг қарорига мувофиқ техниканинг колхозлар ихтиёрига берилиши ҳозиргача ўхум суриб келаётган юқоридаги каби аҳволларга хотима беради. Хўжаликнинг барча тармоқларида техникадан кенг фойдаланиш учун катта йўл очиб беради. Энди пахтачиликдан ташқари сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачиликни ривожлантиришда техника воситаларидан тўла равишда бемалол фойдаланаберамиз.



Кеча «Қизил Ўзбекистон» колхозида МТС тракторларини колхозга сотиш маросими бўлди. **Суратда:** (чапдан ўнгга) колхоз раиси **А. Матқобулов**, бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Эгамназаров** ва бригада механиги **А. С. Белик** ўртоқлар сотиб олинган тракторларни кўздан кечирмоқдалар. Иккинчи **суратда:** механизаторлар колхоз тракторларини далага олиб кетишга тайёрланмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Экишни ўз техникамиз билан ўтказамиз

Т. ТОШМАНОВ,

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг 13-бригада бошлиғи.

<>

Партиямиз Марказий Комитети февраль Пленуми колхоз хўжалигини ташкилий жиҳатидан янада мустаҳкамлаш, хўжаликни юксалтириб, ҳосилни ошириш масаласини кўриб ҳал қилди. Бригадамиз аъзолари бу қарорни гоят кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар.

Бригадамиз аъзолари Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларида айтилганидек МТСлар ҳақиқатан ҳам ҳозирги ўсиб бораётган талабларга тўла жавоб бера олмай қолди.

Мен ўтган йил 1-бригада бошлиғи бўлиб ишладим. 70 гектар ерга чигит экиб 335 тоннадан кўпроқ ёки ҳар гектаридан 37,26 центнердан пахта топширили. Бригадамиз билан ёндош, бир шароитдаги Соибов бошлиқ бригада бир центнер пахта учун 4,7 меҳнат куни сарфлагани ҳолда биз 5,64 меҳнат куни сарфладик. Бунга трактор учун белгиланган ишларнинг бажарилмаслиги сабаб бўлди. Трактор сифатсиз ремонт қилинганидан культивация даврида яхши ишламади. Бошқа тракторчи 40 гектар ердаги ғўзани культивация қилмай ёгат олиш билан чекланди.

Колхозимиз аъзолари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорига мувофиқ техникани сотиб олди. Энди техникадан тўғри фойдаланиш учун кенг йўл очилди. Бунинг натижасида биргина бизнинг бригадамизда йил давомида 5 минг меҳнат куни иқтисод қилинади, бу 112 минг сўм демакдир.

Биз партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан ишни янгича ташкил қиламиз. Гектаридан 35 ўрнига 40 центнердан пахта етиштириш учун социалистик мусобақани кучайтирамиз.

Жанговар программа

И. ОЙТУРАЕВ,

Сталин номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

<>

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарори ва Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида қиладиган доклади тезисларида колхоз тузумини янада ривожлантириш учун машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш заруллиги ва унинг афзалликлари тўла ва мукаммал баён қилинган. Февраль Пленумининг бу қарори қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришда янги ва муҳим давр очади.

Бизнинг колхоз давлатдан техника сотиб олишга қодир бўлгани учун трактор, тирков асбоблари ва бир неча турдаги қишлоқ хўжалик асбобларини ўз қўлига олди. Шу муносабат билан дала ишларини қайта қуриш талаб этилади. Бунинг учун колхоз правлениеси ва биринчи навбатда партия ташкилоти раҳбарлик ишини тўлдан яхшиласи зарур.

Колхозимизда 40 га яқин билимдон ва тажрибали механизатор кадрлар бор. Коммунистлар ва комсомолларнинг сафи ҳам кўпайди. Бу, далачилик бригадаларида партия группалари ташкил қилишимиз учун имконият туғдиради. Партия ташкилоти кадрларни янги вазифаларни тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этиш руҳида тарбиялаётгани учун улар қаҳрамонлик ишни муваффақиятли адо этишга қодирлар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларида машина-трактор станциясидан колхозга ўтган механизатор кадрларга ғамхўрлик қилиш ва уларнинг талаб ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш таъкидланган. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти механизаторлардан тўғри фойдаланиш ва уларнинг унумли ишлашлари учун зарур маданий-маиший шароит яратиб беришни амалга оширмоқда. Тракторчиларга иш ҳақи тўлаш тартиби ҳам қайтадан кўриладиган бўлди. Улар бундан кейин МТСдагига қараганда кўпроқ ҳақ оладилар. Шунинг натижасида уларнинг мўл ҳосил етиштиришга бўлган қизиқишлари ҳам ортади.

Колхоз правлениеси ҳозиргача мавжуд бўлган икки трактор бригадасини бирлаштириб ягона трактор бригадаси ташкил қилди. Бу ишга раҳбарлик қилиш учун колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари лавозими юзага келди. Трактор ва автомашиналар ишига раҳбарлик қилиш, уни бошқариш шу киши қўлида бўлади. Бу вазифага тажрибали механик коммунист Ўртоқ О. Бадалов мўлжалланмоқда.

Партия ташкилоти техникадан самарали фойдаланиш учун механизатор кадрлар тайёрлаш ва уларнинг билимини ошириш планини ишлаб чиқди. Механизаторлар билан мунтазам машғулотлар ўтказиб турилади. 4 колхозчи бригаданинг ўзида тракторчи қилиб тайёрланмоқда. Тўрт кишини механизация кадрлари тайёрлаш мактабида ўқитаётирмиз. Шундай қилиб колхоз бундан кейин тракторлардан икки сменада фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Механизаторлар КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарори билан қуролланиб меҳнат ғайратларини оширган ҳолда унумли ишламоқдалар. Техника кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйилди. Ҳар бир бригадага иккитадан «универсал» бириктирилди. Коммунистлар ишлаб чиқариш участкаларига юборилди. Мусобақа илғорларини рағбатлантириш учун кўчма Қизил байроқ таъсис этилди. Ҳар бир универсалчи ўз имкониятини ҳисобга олиб мавсумда 800-1000 гектардан ердаги ғўзани узунасига ва кўндалангига парвариш қилиш юзасидан мажбурият олиб бир-бирларини мусобақага чақиродилар. Тракторчи Х. Сидиқов, комсомол аъзоси О. Нўлдошев ўртоқлар бу соҳала намуна кўрсатмоқдалар. Тракторчи Ю. Юсупов ОДИ билан ҳашаротга қарши ер атрофидаги дарахтларни дорилаб бўлди.

Пахтакорлар колхоз тузумини янада ривожлантириш учун ўз зиммаларига янги ва оширилган мажбуриятлар олиб, уни амалий иш билан бажармоқдалар, бутун куч ва ғайратларини Пленум қарорида кўрсатилган муҳим вазифаларни бажаришга сафарбар этаётирлар. Колхозчиларимиз пахтакорлар Мурожаатини муҳокама қилиб 680 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштиришга қарор қилган эдилар. Давлатдан техника сотиб олиниши билан ҳосилни янада ошириш учун катта имконият яратилди. Шу муносабат билан колхозчилар ва механизаторларнинг ташаббуси ошди. Биз ҳар гектар ернинг ҳосилини шу йилнинг ўзида 3 центнерга кўпайтириб, давлатга гектаридан 43 центнердан пахта етказиб беришга қарор қилдик. Коммунист Ғиёс Норматова бошлиқ юқори ҳосилли бригада гектаридан 45 центнердан, Сожида Аҳмедова 43 центнердан, Ориф Бобоқалонов бригадаси 145 гектар ернинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олиб умумхалқ мусобақасига қўшилдилар.

Биз колхозчилар, механизаторлар ва чорвадорларнинг фойдали таклиф ва маслаҳатларини эътибор билан ўрганиб, уларга суянган ҳолда ташкилий-сиёсий ва агитация-пропаганда ишларини ҳозирги талаблар даражасига кўтарамиз, бутун техника ва имкониятларимизни мўл ҳосил етиштириб, колхоз тузумини ривожлантиришга сафарбар этамиз.

Кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштирамиз

О. БАДАЛОВ,

Сталин номли колхоз трактор бригадасининг бошлиғи.

<>

Бригадамиз механизаторлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорини гоят хурсандчилик билан қарши олдилар.

Мен 36 йилдан буён бригада механиги бўлиб ишлайман. МТС билан колхоз ўртасида, далачилик бригадасида кўпгина англашилмовчилик бўлиб турарди. МТС дирекцияси гектар ҳисобига план бериб кўп вақт бирёқлама ишлар эди. Бизга берилган план колхоз шароитига тўла мос келмас эди. Колхоз правлениеси ишни ўз вақтида ва сифатли бўлишини талаб қилар, лекин кўп вақт иш кечиктириларди. Ўтган йил ер ҳайдалиб бўлмасдан икки трактор бошқа колхозга олиб кетилди. Натижада чигит экиш белгиланган муддатда тугалланмади. Ғўза парвариши даврида ҳам шундай камчилик такрорланди. Натижада ғўза кўндаланигига мўлжалдагидан бир марта кам культивация қилинди. Трактор бригадасининг имкониятлари ҳисобга олинмасдан юқоридан план берилиши рақам кетидан қувишга мажбур этиб, сифатига эътибор берилмас эди.

МТСларни қайта ташкил қилиш шу вақтгача содир бўлган келишмовчилик, сансалорликка барҳам беради, техникани тежаб-тергаб ишлатишга шароит яратилади, тракторчиларнинг масъулиятини оширади. Ремонт сифатли ўтказилиб, ишда ягона тартиб ўрнатилади.

Колхоз МТСдан 8 та чопиқ трактори, 2 та занжирли ҳайдов трактори, бир қанча тирков асбоблари сотиб олди. Колхоз правлениеси техникадан унумли фойдаланиш йўлларини белгилаб чиқди. Ўртоқ Юсупжонов бригадасида икки звенога тажриба тариқасида тракторчидан звено бошлиғи қилиб тайинланди. Уларга янги схемага мосланган икки трактор бириктирилди. Бу тадбирнинг энг муҳим томони шундаки, звено бошлиғи тракторни ўзи бошқаради, ишнинг сифатли бўлиши учун курашади. Ғўзани тобида культивация қилиб мўл ҳосил учун пухта замин тайёрлайди.

Колхоз правлениеси техникадан ўз жойида тўғри ва унумли фойдаланиш мақсадида махсус устахона қуришга қарор қилди. Бу ерда кўтарма кран бўлишидан ташқари мукаммал ускуналанган станоклар ишлайди. Сабзавот экиладиган экиш ва парвариши учун ҳам алоҳида трактор ажратилди.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми белгилаган янги тадбирларни амалга оширишда бутун куч-қувватимизни сарфлаб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин юксалтиришга муносиб ҳисса қўшамиз.



Сталин номли колхозда ҳам кеча тракторлар сотиб олинди. **Суратда:** қишлоқ хўжалик зараркунандаларга қарши дори сепадиган машинани колхозчилар кўздан кечирмоқдалар.

(ЎзТАГ фотохроникаси)

КОЛХОЗ ТРАКТОРИ

Карнай, сурнай овози шоду-ҳуррамликдан дарак бериб кўк гумбазида жаранглайди. Йигит ва қизлар, аёллар, кексалар байрам либосида. Кеча колхоз қишлоғига тарқаган хуш хабар — трактор сотиб олиш тўғрисидаги гап бугун ҳамманинг дилини қувонтирмоқда.

— Колхоз трактор сотиб оладиган бўлибди... Энди ўз тракторимизга эга бўламиз...

— Бойлигимиз, куч-қувватимиз кўпайгани шу-да...

— Нори борнинг юки ерда қолмайди, трактор ўзимизники, ишимиз яна ҳам юришиб кетади.

Бу сўзларни колхозчилар — чоллар ва кампирлар, қизлар ва йигитлар айтмоқдалар.

Бугун колхоз трактор сотиб олаётгани тўғрисидаги, демак қўл билан қилинадиган ишнинг кўп қисмини трактор бажариши мумкин бўлаётгани учун ҳам улар қувонмоқда. Ота-бобоси омоч, бўйинтуруқ ишлатиб келган камбағал деҳқоннинг ўғли бугун трактор сотиб оладиган бўлади-ю, қувонмайдими. Бойлиги учун қувонса, даври-даврони учун фахрланади бугунги колхозчи деҳқонларимиз!

Колхоз идораси яқинидаги катта сарой гавжум. Бу ерга эрталабдан бошлаб колхознинг ҳамма қишлоқларидан кишилар кела бошлади. Қизлар ясаниб олишган, йигитлар ҳам байрам либосида. Улар шўҳлик қилиб ўйинга тушишади, қўшиқ айтиб юраклардаги қувончни баралла эшитдиради. Шу катта саройнинг тўрт томонига жуда кучли — С-80 тракторидан тортиб боғ ва сабзавот экинлари қатор орасида ишлайдиган 2-3 от кучига эга бўлган тракторларгача қатор қилиб тизиб қўйилган. Машиналар қаторида СХМ-48М маркали пахта териш машиналари ҳам кўзни қувонтириб турибди. Колхоз правлениеси терим машиналарини сотиб олмоқчи бўлган экан — у даставвал юзлаб колхозчи йигит ва қизларни пахтачиликда энг оғир меҳнат бўлган терим ишидан бирмунча холос қилишни ўйлаган, шу тўғрида ғамхўрлиқ қилган.

Областимиздагина эмас, республикамизда ҳатто Иттифоқда ўзининг ажойиб пахта усталари, боғбонлари, чорвадорлари билан машҳур бўлган «Қизил Ўзбекистон» колхози илгариги кичик хўжаликлар базасида ташкил топди, ўсди, юксалди. Колхознинг бугунги қишлоғига назар ташлар, кишилар билан сўзлашар эканмиз — коллектив хўжалик тузуми мақбул ва энг афзал, оммабоп тузум эканлигига тўла қаноат ҳосил қиламиз. Илгари шу қишлоқдаги бир қанча колхозлар ҳосилни оширишда ҳам, бойликни кўпайтиришда ҳам унча қувватга эга эмас эдилар. Улар бирлашдилар, қўлни-қўлга бериб ғайрат билан меҳнат қилдилар. Мана энди битта-иккита эмас, ҳатто ўнлаб тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, ер текислаш техникасини сотиб олишга қодир бўлиб қолдилар.

Бугунги митингга тўпланишар экан, ҳар бир киши шу тўғрида қувонч билан сўзлар эди. МТС дан колхоз сотиб олаётган машиналарни кўриб ғайратларига-ғайрат қўшиларди. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдужамил Матқобулов бир группа кекса колхозчиларга сотиб олинаётган тракторларни бирма-бир кўрсатиб уларга дерди:

— Мана отахонлар, шу тракторларни сотиб олаяпмиз, булар энди бизники, истаган вақтимизда, ўз хўжалигимизнинг бойлигини, демак сизларнинг бойлигингизни ошириш учун хоҳлаганимизча ишлатаверамиз...

— Жуда соз бўлибди ўғлим, — дейди оппоқ соқолли чол, — колхознинг ўз трактори бўлганига не етсин. Трактор ўзингники бўлгандан кейин вақт-бевақт зарур ишинг чиқиб қолса дард қолмайсан. Партия ҳукуматимиз шуни ўйлаб жуда доно иш қилибди. Кеча неварам газетадан ўқиб берди, жуда кўп колхозлар трактор сотиб олаётганмиш.

— Бундан 10-15 йил илгари трактор сотиб олишни ўйламас эдик, негаки, кучимиз етмас эди, — суҳбатга қўшилди яна бир чол, — мана энди нимани сотиб оламиз десак кучимиз етади. Бултур колхозимизда 25 тадан ортиқ автомашина бор, дейишганда жуда суйиниб кетган эдим. Буни қара, беш эмас, ўн эмас юздан ортиқ трактор сотиб олаяпмиз, азбаройи бойлигимиз кўплигидан-да.

— Халқ тўғрисида, биз тўғримизда шунчалик ўйлаб меҳрибонлик кўрсатаётган партия, ҳукуматимизга минг-минг раҳмат, — хитоб қилди учинчи мўйсафид.

Биз шу кексалар билан бирга тракторлар қатор қилиб қўйилган саройни кўздан кечирамиз. Рўпарадаги яқингинада қурилган хонада токарлик станоги ўрнатилибди. Унинг ёнида фармалаш станоги ишга тахт қилинибди. Энди колхоз трактор учун зарур бўлган айрим қисмларни ўз устахонасида ўзининг билимдон кадрлари ёрдамида ясай олади. Колхоз правлениеси шу йилнинг ўзида ҳамма тракторлар сигадиган ва ремонт қилинадиган айвонлар, устахоналар қуриб битказишни мўлжалламоқда. Колхозда механизация ишларини мукаммал бажара оладиган ажойиб кадрлар бор.

Биз митинг бўладиган жойни айланиб юрганимизда катта дарвоза тепасига ёзиб қўйилган қуйидаги сўзларни ўқидик:

«Колхозчи ва механизатор ўртоқлар! Давлатдан сотиб олинган механизмлардан тўғри ва унумли фойдаланайлик!» Пахтакорлар ўзлари учун трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олаётган худди шу кунларда бу гапларни дилларига жо қилиб олгаплар. Улар трактор ва универсал бекорданбекорга у даладан, бу далага олиб борилмайди, ёнилғини тежаб-тергаб сарф қиламиз, ўз тракторимизни кўз қорачиғидай авайлаб сақлаймиз, унинг кучидан тўла ва унумли фойдаланамиз, деб айтмоқдалар.

Митинг учун келган кишилар кенг майдонни тўлдиради. МТС директори Абдурашидов колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдужамил Матқобуловга сотилган тракторларнинг ҳужжатларини тантанали суратда топширади. Гулдурос қарсаклар садоси ҳаммаёқни тўлдиради. Юзларда шоду-ҳуррамлик, ғурур аломати барқ уради. Энди колхоз ўз тракторига эга!

Колхознинг янги бош механиги А. С. Белик тракторлар ҳаракатга келтирилсин, деб буйруқ беради. Катта-кичик тракторлар гувиллай бошлайди. Демак, МТС сотаётган ҳамма трактор ишга тахт. Катта хўжаликнинг зўр техникаси мўл ҳосил учун астойдил курашаётган азаматлар қўлида.

С. МАҲКАМОВ,
Б. ХАЛИЛОВ,
Ш. КУЗАНБОЕВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими— 132. Секретариат — 115,50. Эълонлар бўлими — 33142.

Р. 00911. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистонн сурх» бирлашган нашриётнинг босмахонаси. № Б-427.